

И. А. БУНИН

Сан-франциско-
лик
жаноб

Ҳикоялар

Ўзбекистон ЛКСМ
Марказий Комитети
«Ёш гвардия» нашриёти

Тошкент — 1980

ББК
Б 95

Бунин И. А.

Сан-францисколик жаноб. Ҳикоялар. Т.
«Ёш гвардия», 1980. 72 б.

Бунин И. А. Господин из Сан-Франциско.

ББК 84Р1

И. А. Бунин рус қишлоқ ҳаётининг инқилобдан илгариги манзаралари тасвирланган қатор ҳаққоний ҳикоялар муаллифи, иқтидорли сўз санъаткори, табиат куйчиси, улкан адиб. Ушбу тўпلامдан унинг «Антоновка олмалари», «Сўнгги учрашув», «Қарға» ва «Сан-францисколик жаноб» ҳикоялари жой олган.

229

Б $\frac{70301-112}{356(04)-80}$ 70—80 4702101000

© «Ёш гвардия» нашриёти, 1980, таржима.

АНТОНОВКА ОЛМАЛАРИ

I

...Куз фасли эндигина бошланган очик ҳаволи кунлар эсимга тушади. Августининг илиқ ёмғирли кунлари эди. Ёмғир, гўё атайлаб экин экиладиган далаларни сугоришга шайлангандай, аини вақтида, яъни ойнинг ўрталари, авлиё Лаврентий ҳайити яқинлашиб қолган кунларда ёғаётган эди. Бу эса «Лаврентийда сув тинч оқса ва ёмғир ёғса, куз ва қишнинг аҳиллиги ўша» дегани эди. Эрта куз иссиқ келганидан далаларга беҳисоб мезон қўнганди. Бу ҳам яхшиликдан иншопа: «Эрта кузда мезон кўп бўлса, куз серҳосил келади»... Уфқ эндигина оқариб келаётган, мусаффо, сокин тонгни эслайман... Саҳни кенг, олтин рангига кирган, айрим дарахтлар яланғочланиб, барглар сийракланиб қолган боғни эслайман, зарангзор йўлакларни, тўкилган хазоннинг нафис ҳидини ва антоновка олмаларининг, асал ва куз шаффофлигининг хуш бўйини эслайман. Ҳаво шунчалик тозаки, унинг бор-йўқлиги билинмайди, бутун боғ бўйлаб ғовур-ғувур овозлар ва араваларнинг ғижирлаши эшитилади. Булар катта ер эгаси бўлган дархонлар, мешчан-боғдорлар бўлиб, тунда шаҳарга олма жўнатиш учун мужикларни ёллаб олма тердирадилар. Кечаси — албатта кечаси — аравада ётиб олганча юлдузли осмонни томоша қилиш, мусаффо ҳавода қорамой исини ҳидлаш ва зим-зиё қоронғиликда катта йўл бўйлаб

узун карвоннинг аста-секин ғижирлашини эшитиш албатта ҳузур бағишлайди. Ҳосил тераётган мужик олмаларни бирин-кетин карсиллатиб еяверади, лекин таомил шундай — мешчан унга ҳаёқит бермайди, яна буининг устига:

— Териб, тўйгуниингча еявер — бошқа иш йўқ ўзи! Бунинг сархили асалдан ҳам ширин,— дейди.

Салқин тонгнинг сокинлигини фақат боғнинг у ер-бу еридаги ёқут рангли рябиналар шохида қорашақшақларнинг чаҳ-чаҳи, ҳар хил овозлар ҳамда олмаларнинг тарозию бочкаларга тўп-тўп тушган товуши бузади. Барглари сийраклашиб қолган боғда катта чайлага олиб борадиган, пичан тўкилган узун йўл, атрофида мешчанлар ёз бўйи бутун бир рўзғорни юритган чайланиннг ўзи ҳам олисдан кўзга ташланиб туради. Ҳаммаёқда олма ҳиди димоққа урилади, бу ерда эса ипчунун. Чайлада жойлар тўшалган, бир оғизли миптиқ, туси кўкарлиқир. Ан самовар, бурчакда эса идиш-товоқ турибди. Чайла атрофида чипталар, яшиқлар, ҳар хил йиртиқ-ямоқлар ётибди, ерўчоқ қавланган. Туш пайти унда ёғли ажойиб нон пиширилади, кечқурун самовар қайнатилади, боғ бўйлаб, дарахтлар оралаб зангорни тутун узоқ-узоқларгача ёйилиб-таралади. Байрам кунлари эса чайла атрофи бутун бир ярмаркага айланади ва дарахтлар ортида дам-бадам қип-қизил кийимлар кўзга чалиниб қолади. Енгсиз сарафанлар кийиб олган, бўёқ ҳиди анқиб турадиган чаққон хизматкор қизлар йиғилишади, ўзларининг бежириму қўпол, беўхшов бичимдаги либосларида «боён»лар оқсочлари кслишади, кепчикдай юзидан ҳали уйқу асари кетмаган, иккиқатлиги билиниб турган, холмогор сигиридек важоҳатли оқсоқол хотини кўринади. Унинг бошида «шохи» бор — сочлари икки тарафга тиккайтириб турмакланган ва устидан бир нечта рўмол ўраб олган, шунинг учун боши баҳайбат туюлади; қўнжи калта, товонига нағал қоқилган этикча кийиб олган оёқларини қийшиқроқ босиб, маҳ-

кам турибди; эгнида чийдухоба снгснз камзул, юзига узун парда ташлаган, гиштранг йўл-йўли бор ва этагига энлик зар «жияк» тикилган қора-бинафшаранг панёва...¹

— Ишчан аёл!— дейди мешчанлардан бири бошини қимирлатиб унинг ҳақида.— Энди шунақа нусхалар пайдо бўляпти...

Торгина оқ кўйлак ва калта иштон кийиб олган, оппоқ сочли ялангош болаларнинг кети узилмайди. Улар иккита, учта бўлиб, ялангоёқлари билан майда қадам босиб келарканлар, олмага боғланган қари овчаркага қараб-қараб қўйишади. Улардан бири олма харид қилади, албатта, харид деганимиз эса бир тийин ёки тухум ҳисобига бўлади, лекин харидорлар кўп, бозор чаққон, узун камзул, сариқ этик кийиб олган кўксов мешчан бундан хурсанд. У тили чучук, шўх ва тентакнамо, «илтифот юзасидан» ўзининг қарамсғида яшаб турган укаси билан биргалашиб, ҳазил-ҳузул, пичинг билан олма сотади ва ҳатто баъзан гармопчасини «вангиллатиб» ҳам қўяди. Шундай қилиб кечгача боғдан одам аримайди, чайла олдида кулги ва ғовур-ғувур, баъзан эса, рақсга тушганларнинг дўпир-дўпири эшитилади...

Тунда ҳаво жуда ҳам салқин бўлади, шудринг тушади. Жавдар ғарами ёнида янги сомон ва тўпоннинг хуш бўйини мириқиб ҳидлаб боғнинг марзаларидан кечки овқат учун уйингга бардам йўл оласан. Кунботар шафағи яллиғланиб турган пайтда, салқин ҳавода қишлоқ бўйлаб янраган овоз ёки дарвозанинг ғирчиллаши ниҳоятда тиниқ эшитилади. Қоронғи тушади. Яна ниманингдир иси келади: боғда — гулхан, олча шохларининг ёқимли тутуни одамни энтиктиради. Қоронғиликда, боғ ичкарисида эртаклардагидек манзара: чайла ёнида, қоронғилик ичида, худди дўзахнинг бурчагидегидек,

¹ Панёва — қадимда рус келинлари киядиган юбка (тарж. изоҳи).

қип-қизил аланга лопиллайди, кимларнипгдир қоп-қора, худди қора ёғочдан ишлангандек жуссалари гулхан атрофида тимиrскиланади, шу билан баробар уларнинг баҳайбат соялари олма дарахтлари устида юради. Гоҳо бутун бир дарахт бир неча аршинлик улкан қўл билан қопланади, гоҳо икки оёқ — икки қоп-қора устун тасвири аниқ кўринади. Бирданига буларнинг ҳаммаси олма дарахтларидан пастга тушади — энди соя бутун йўлак бўйлаб, чайладан дарвозагача чўзилиб кетади...

Ярим кечаси — қишлоқда чироқлар ўчган маҳали, баланд осмонда Етти қароқчи юлдузлар туркуми гавҳардек ёниб турган маҳали яна боққа югурасан. Кўзи ожиз одамдек қуруқ хазонларни шитирлатганча чайлага етиб оласан. У ердаги яланглик бир қадар ёруғроқ, бошинг устида эса Сомон йўли оқариб кўринади.

— Сизмисиз, бойвачча? — оҳиста овоз беради қоронғиликдан кимдир.

— Менман. Ҳали уйғоқмисиз, Николай?

— Бизга ухлаш мумкинмас. Вақт алламаҳал бўлиб кетгандир-а? Ана, пассажир поездеи келяпти шекилли...

Узоқ жим қоламиз ва ернинг титраётганини сезамиз. Титраш шовқинга айланади, кучаяди, худди боғ ортидан ўтаётгандек ғилдиракларнинг бир маромдаги тарақа-тарақи эшитилади; поезд гулдураб, темир йўлни тарақлатиб тобора яқинлаб... яқинлаб келаверади, яна ҳам баландроқ ва зардалироқ гулдурайди... Кейин бирданига шовқини пасая бошлайди, сўнгра худди ер қаърига сингигандек, гулдураш ўчади-қолади...

— Мплтигингиз қаерда, Николай?

— Маиа бу яшикнинг ёнпда.

Зилдек оғир бир оғизли милтиқни юқори кўтариб, ўша заҳоти отасан. Қип-қизил аланга, қулоқни тешгудек пақиллаб, осмонда ярқирайдп, бир зум кўзни қамаштириб, юлдузлар жилвасини босиб кетади, жарангдор акс садоси эса уфққа ёйилиб узоқ-узоқларга, тоза ва тиниқ ҳавога сингиб кетади.

— У, баракалло!— дейди мешчанин.— Отаверинг, отаверинг, бойвачча, фалокат арийди! Яна оғзини марза тарафга тўғриладингиз...

Қоп-қора осмонда учаётган юлдузлар оловранг чизиклар тартади. Самоинг юлдузларга тўла тўқ-кўкранг қаърига узоқ вақт тикилиб қоласан, оёқларинг остида ер чайқалмагунча тураверасан. Шунда титраб кетасан ва қўлларингни енг ичига яширасан-да, йўлка бўйлаб уйга югурасан... Ҳаво муздек, ҳаммаёқ шудринг, ёруғ дунёда яшаш қанчалар яхши!

II

«Серсув, серэт антоновка олмаси — яхши йилда етишади». Агар антоновка олмаси яхши битса, қишлоқдаги ишлар жойида бўлади: демак, ғалла ҳам яхши битади.. Серҳосил ёз эсимга тушади.

Тонг ёруғида, ҳали хўрозлар қичқираётган ва уйлар хира тутунга ўралиб турган маҳалда бинафшаранг туман тўла салқин боққа қараган деразани очсанг, эртанги қуёшнинг у ер-бу ерда ярқираган нурларига кўзинг тушади-да, юрагинг ҳаприқади — отни тезроқ эгарлашни тайинлаб, ўзинг ювиниб олиш учун ҳовузга югурасан. Қирғоқдаги новдаларнинг майда барглари қарийб бутунлай тўкилиб кетган, шохлар орасидан фируза осмон кўриниб туради. Новдалар остидаги сув тии-тиниқ, муздек, оғирлашиб қолгандек кўринади. Бу сув ҳаял ўтмай тунги эринчоқлигингни қувиб юборади ва ювиниб бўлганингдан кейин умумий хонада хизматкорлар қатори иссиқ картошка ва қора нонни намиққан йирик-йирик тузга ботириб нонушта қилиб оласан-да, сип-силлиқ чарм эгар устида ҳузур қилиб, Виселки бўйлаб отда овга жўнайсан. Куз — қадимий ҳайитлар даври, бу фаслда халқ ҳам батартиб кийинади, хушвақт юради, қишлоқ кўриниши ҳам бошқа маҳалладиган ўзгачароқ бўлади. Агар йил серҳосил келган бўлса ва хирмон-

лар олтин шаҳардек кўкка бўй чўзса, бунинг устига дарёда ҳар купи эрталаб ғозлар қаттиқ-қаттиқ ва жарангдор ғоғолаб сузиб юрса, қишлоқда ҳамма нарса жойида бўлгани. Бунинг устига бизнинг Виселки қадимдан, ота-боболар давридан ўз «бойлиги» билан шуҳрат қозонган. Чоллар ва кампирлар Виселкида узоқ умр кўришган — бу бадавлат қишлоқнинг биринчи белгиси ва улар баланд бўйли, йирик гавдали ҳамда ойга ўхшаб оппоқ бўлишган. Баъзан шундай гапларни эшитиб қоласан: «Мана, кўрдингми, Агафья саксон уч ёшдан ошиб кетди!»— ёки қуйидагича суҳбатнинг гувоҳи бўласан:

— Сен қачон ўласан, Панкрат? Эҳтимол, ёшинг юздан ошиб кетгандир?

— Тақсирим, нима дедиңгиз?

— Ёшинг нечада деб сўраяпман!

— Аниқ... билмайман, тақсир.

— Платон Аполлон ўғлини эслайсанми?

— Бўлмасам-чи, тақсир, аниқ-таниқ эслайман.

— Мана, кўрдингми. Сенинг ёшинг юздан кам эмас.

Барин олдида эгилиб турган чол айбдордек беозоргина кулимсирайди. Нима ҳам қилсин ахир, айбдор-да, узоқ яшаган. У авлиё Петр ҳайшатида кўпроқ пиёз еб қўймаганида, балки, бундан ҳам кўпроқ яшармиди.

Мен унинг кампирини ҳам эслайман. Кўпинча скамейкада, уй олдидаги пиллапояда букчайиб, бошини қимирлатиб, тез-тез нафас олиб, скамейкани қўли билан ушлаганча нима ҳақдадир ўйлаб ўтирарди. «Эҳтимол ўзининг бисоти ҳақида ўйлаётгандир», дейишарди аёллар, чунки, гапнинг рости, сандиқда унинг «бисоти» кўп эди. У атрофидаги гап-сўзларни гўё эшитмасди; ғамгинлик билан юқори кўтарилган қошлари остидан узоқларга кўзи ожиз одамдек тикилиб турар, бошини қимирлатар, ниманидир эшлашга тиришарди. Йирик гавдали, қандайдир тунд кампир эди. Панёваси салкам ўтган асрда тикилган, ёғоч кавуши бамисоли ўликхонадан

олиб келинган, бўйни сап-сариқ ва қуруқшаб қолган, канифас газламасидан бурма қилиб тикилган кўйлаги дом оппоқ эди — «тобутга тушса, тайёр мурда эди». Пилланоя ёнида катта тош ётарди: гўрига қўйдириш учун сотиб олганди, худди шунингдек фаришталарнинг сурати ва бут шакли ҳамда ҳошияларига дуолар тикилган ажойиб кафанини ҳам олдиндан тайёрлаб қўйган эди.

Виселкидаги ҳовлилар ҳам қарияларнинг ўзларига ўхшарди: ота-боболар томонидан қурилган ғиштин уйлар. Бадавлат мужикларда эса — Савелийда, Игнатда, Дронда — икки-уч барабар катталикидаги ҳовлилар бор эди, чунки Виселкида илгари ерни тақсимлаб бериш урф эмас эди. Бундай оилаларда асалари боқиларди, айғирлар ва аравага қўшиладиган саман отлар билан мағрурланиб юриларди, қўрғон батартиб сақланарди. Ғарам-ғарам бўлиқ ва пишиқ каноп поялари қорайиб ётарди, ўрилган ғаллани қуритадиган, усти қамиш билан ёпилган махсус уйлар ва бостирмалар бўларди; чарх, калта пўстин, эгар-жабдуқлар, мис гардишли тарозилар сақланадиган товонхона ва омборларнинг эшиги темирдан бўларди. Дарвозалар ва чаналарга бут расми ўйиб ишланарди. Шунинг ҳам эслайманки, баъзан мужик бўлиш ниҳоятда жозибали туюлиб кетарди. Баъзан қуёшли тонгда қишлоқ бўйлаб отда кезасан ва ғалла ўриш, янчиш ва похол ғарами устида ухлаш, ҳайит кунлари эса қуёш билан баробар туриб, қишлоқдан эшитилаётган ғовур-ғувур ҳамда музыка садолари остида бочка ёнида ювиниш ва топ-тоза кўйлак кийиб, тоза пайтава ўраб, нағал қоқилган этик кийиш қанчалик ҳузур эканлигини ўйлаб кетасан. Борди-ю, шунга бақувват ҳамда байрамга хос ясаниб-тусанган чиройли хотининг билан тушки ибодатга бориш, сўнгра серсоқол қайнатангникида меҳмон бўлишни қўшадиган бўлсанг — қўй гўштидан тайёрланган таом ёғоч ликобчаларда тортилади, бўрсилдоқ нон билан мумли асал ейсан, қўл-

бола брага¹ ичасан, дунёда бундан ортиқ яна нимани истайсан!

Ўртаҳол дворянлар ҳаёт тарзи ҳали ҳам эсимда, бунга ҳали кўп вақт бўлгани йўқ,— бунда эски замонга хос пш тутиш ва хўжаликни юритиш бўйича бой мужиклар ҳаёт тарзига муштарак жиҳатлар мавжуд эди. Виселкидан ўн икки чақирим нарида яшаган Анна Герасимовна холанинг қўрғони, масалан, худди ана шу тарзда эди. Шундай бўлардики, қўрғонга етиб боргунингча тетикланиб кетардинг. Тасмага боғланган итлар ёнида юрганингда қадамингни санаб босасан, шошилинг ҳам келмайди — қуёшли ва салқин кунда очиқ далада юриш қанчалик маза! Ҳаммаёқ теп-текис яланглик, олис-олисларгача кўриниб туради. Осмон оромли, ниҳоятда кенг ва теран туюлади. Қуёш ён тарафдан нур сочади, ёмғирдан сўнг ўтган аравалар изи худди темир йўл рельсидек ярқирайди. Атрофдаги кенг пайкалларда бўлиқ, ям-яшил кузги бугдойлар кўзга ташланади. Аллақаяқдан пайдо бўлиб қолган қирғий қанотларини хиёл қимирлатиб шаффоф ҳавода жимгина турибди. Очиқ ялангликда эса телеграф симёгочлари узоқ-узоқларгача тизилиб кетган, уларга тортилган симлар кумуш торлар сингари тиниқ ҳавода бамисоли сирғалиб боради. Симга қўниб олган қирғийлар — нота қоғозига ёзилган қопқора белгиларнинг худди ўзп.

Крепостнойлик ҳуқуқини мен билмайман ва кўрган эмасман, бироқ, эсимда, буни Анна Герасимовна холаникида ҳис этганман. Ҳовлига шундоқ бош суқишинг биланоқ унинг ҳали мавжуд эканлигини сезасан. Қўрғон унча катта эмас, бироқ ҳаммаси эскича, мустаҳкам қурилган, юз йиллик қайин ва толлар билан қуршалган. Ҳовлидаги иморатлар унча баланд эмас, бироқ кўпчилиги режа билан, бари қора эман ёғочидан пишиқ қилиб қурилиб, усти похол билан ёпилган. Бўйи билан

¹ Б р а г а — хонаки пиво (тарж. изоҳи).

ёки, аниқроқ айтганда, узунлиги билан ажралиб турадиган қора уйлардан чиқадиган чўри ва хизматкорлар ҳам сўнгги могоканлардек ажралиб туради — қандайдир мўнкиллаб қолган чоллар ва кампирлар, Дон Кихотга ўхшаш, шарти кетиб-парти қолган истеъфодаги ошпаз... Ҳовлига киришинг билан уларнинг ҳаммаси уёқ-бугини тўғрилаган бўлишади ва эгилиб-эгпилиб қуллуқ қилишади. Отнинг тизгинидан тутгани арава турадиган саройдан чиқиб келган сочи оппоқ аравакаш саройининг ўзидаёқ бошидан шапкасини олгачича бутун ҳовли бўйлаб бошяланг ўтиб келади. У илгари бекага фореитор¹лик қиларди, энди уни тушлик ибодатга олиб боради,— қишда юк аравада, ёзда эса поплар юрадиган мустаҳкам, темир қопламали енгил аравачада олиб боради. Холанинг боғи қаровсизлиги, булбуллари, ғураклари ва олмалари билан, уйи эса томининг ёпилиши билан машҳур эди. Бу уй ҳовлининг ўртасида, боғнинг бошланишида қад кўтарган эди,— аргувон дарахтларининг шохлари уни қучиб турарди,— ўзи унча баланд эмас, ерга қапишганроқ эди, бироқ унинг қачон қурилганлигини тахминлаш қийин эди,— ниҳоятда қирраси баланд, вақт ўтиши билан қорайиб, қотиб кетган қалин похол томи ғоятда мустаҳкам кўринарди. Менда унинг олд томони ҳамиша жонлидек таассурот қолдиради: баайни кекса киши улкан қалпоғи остидаги ботиқ кўзлари — ёмғир ва қуёшда садафдай жилоланадиган дераза ойналари — билан қараб тургандек туюлади. Бу кўзларнинг икки ёнида эса пиллапоялар — серустун иккита қадимий пиллапоя бор. Пиллапоя пештоқида ҳамиша семиз кантарлар қўниб ўтирар, шу билан баробар минглаб чумчуқлар у томдан-бу томга бамисоли ёмғирдек учиб-қўнишарди... Меҳмон бу хонадонда, фп-

¹ Фореитор — уч отнинг бирига миниб арава ҳайдайдиган кучер (тарж. изоҳи).

руза куз осмони остида ўзини роҳат-фароғатда ҳис этарди.

Уйга киришинг билан дастлаб олма ҳиди димоғингга уради, кейин бошқа ҳидларни: қизил дарахтдан ишланган қадимий мебель ва июнь ойидан бери дераза олдида туравериб, қуриб қолган аргувон гули ҳидини сезасан... Барча хоналар — хизматкорлар уйи, зал, меҳмонхона — салқин ва нимқоронғи: бунинг боиси уй атрофи боғ билан ўралган, деразаларнинг устки ойналари эса ҳаворанг ва бинафшаранг бўёқлар билан бўялган. Гарчи креслолар, нақшинкор столлар, ингичка ва бурама шаклли олтинранг ромда турган ойна ҳеч қачон ўрнидан жилдирилмайдигандек кўринса ҳамки, ҳар қалай ҳаммаёқ сокин ва топ-тоза. Шунда йўтал овози эшитилади: хола ичкаридан чиқади. У гавдали эмас, лекин атрофдаги буюмлар сингари бақувват кўринади. Елкасига каттакон форсча шол рўмол ташланган. У ичкаридан виқор билан, бироқ жилмайиб чиқади. Ўша заҳоти — ўтмишдаги воқеалар, мерос ҳақида суҳбат давом этаётган пайтда ноз-неъматлар пайдо бўлади. Аввалига пашвати, антоновка, «бель-бариня», боровинка, «серпушти» навли олмалар олиб кирилади, сўнгра ажойиб овқатлар: қип-қизил қилиб тайёрланган нўхатли ветчина¹, ичига қийма солиб пиширилган товуқ, курка гўшти, зиравор қўшиб тайёрланган неъматлар ва ўткир, ниҳоятда ширин қизил квас тортилади... Боғ тарафга қараган деразалар очиб қўйилган, ўша ёқдан кишини тетиклантирадиган салқин куз шабадаси эсиб туради...

III

Сўнгги йилларда помешчикларнинг сўниб бораётган руҳи фақат овга чиқишдан қувват оларди.

¹ Ветчина — чўққанинг туз ва қалампир сепиб дудланган сон гўшти (тарж. изоҳи).

Илгари Анна Герасимовнанинг қўрғони сингари қўрғонлар унчалик сийрак эмасди. Емирилиб бораётган, лекин, ҳар қалай, ҳали ўз қоматини тутиб турган, улкан зироатли, йигирма ботмонлик боққа эга бўлган қўрғонлар ҳам бор эди. Тўғри, шундай қўрғонлардан айримлари ҳозирги маҳалгача сақланган, бироқ уларда аллақачон ҳаёт сўнган... Помешчик-овчи, марҳум қайнагам Арсений Семёничнинг уч отли извошидек извош, қирғизча отидек от, този ва чопонғич итларидек ит, унинг хизматкорларидек хизматкор, шунчалик нарсага эга бўлган қайнагамнинг ўзидек одам бу дунёда топилмас керак.

Сентябрь ойининг охиридан бошлаб боғларимиз ва хирмонларимиз ҳувиллаб қолди, табиат ўз одати бўйича кескин ўзгарди. Шамол кун бўйи гувиллаб эсар ва дарахтларни силкитар, ёмғир эса эрта тонгдан қоронғи тушгунча уларни суғорарди. Баъзан кечга яқин ботаётган қуёшнинг олтинранг титроқ нурлари пастда осилиб турган қовоғи солиқ булутларни ёриб ўтарди: ҳаво тоза ва равшан, қуёш нурлари эса шамолда жонли тўрдай қимирлаётган, чайқалаётган барглар ва шохлар орасидан кўзни қамаштириб ярқирарди. Шимол тарафдаги залварли қорамтир булутлар устида оч-ҳаворанг тусли осмон совуқ ва аниқ кўриниб турарди, қорамтир булутлар остидан эса, қорли тоғ чўққилари чиқиб келарди. Дераза олдида туриб ўйлайсан: «Зора, худодан бўлиб, ҳаво юришиб кетса». Бироқ шамол босилмасди. У боғни чайқалтирар, уйларнинг мўрисида муттасил буралиб чиқаётган тутунни юлқиб, суриб кетар ва яна ваҳимали кулранг булутлар уладасини қувларди. Булутлар пастлашиб, шитоб-ла сузиб кетар ва тез орада тутун сингари қуёш юзини яширарди. Қуёш жилваси тўсилиб, мовий осмон тоқида очилган дераза беркиларди, боғ эса ҳувиллаб, зерикарли бўлиб қоларди, тагин ёмғир ёга бошларди... аввалига аста-секин бошланиб, кейин кучая борар ва охирида ҳаммаёқ қоронғилашиб,

довул турарди, ёмғир жалага айланарди. Узоқ, ваҳима-ли тун бошланарди...

Боғ ана шундай тўполондан кейин барглари тўки-либ, қарийб бутунлай яланғочланиб ва қандайдир мун-гайиб, мулойимланиб қоларди. Лекин ҳаво яна очилиб кетган пайтларда, айниқса октябрь бошларидаги шаф-фоф ва салқин кунларда — куз билан хайрлашув бай-рами кунлари ниҳоятда гўзал тусга кирарди! Омон қол-ган барглар энди биринчи совуқ тушгунча дарахтларда тураверарди. Қоп-қора боғдаги шох-бутоқлар орасидан ҳароратсиз фируза осмон кўриниб турар, дов-дарахтлар қуёш нурларида исинганча, итоаткорлик билан қишни кутарди. Шудгорланган далалар эса, шудгорланган қисми қора тусга кириб, кузги дон экилган тарафлар яшилланиб қоларди... Овга чиқиш учун айти пайт!

Мана, мен ўзимни Арсений Семёничнинг қўргонида, улкан уйда, қуёш нурига ҳамда трубка ва папиросдан буруқсиган тутунга тўла залда кўраман. Одам кўп — юз-лари қуёш ва шамолдан қорайинқираган кишилар эр-какча белбурма камзул ва узун этик кийиб олишган. Ҳозиргина тўйиб овқатланишган, юзлари қизариб, бў-лажак ов ҳақида ҳаяжонланиб ғовур-ғувур суҳбатга киришган. Лекин тушдан кейин яна ароқ ичишни эсдан чиқарганлари йўқ. Ҳовлида эса бурги чалинади ва ит-лар хилма-хил овозда акиллайди. Арсений Семёничнинг яхши кўрган қоп-қора този ити югуриб стол устига чи-қади ва идишга тумшуғини тикиб, қайлага беланган қуён гўшти қолдиғини тушира бошлайди. Аммо бирда-нига қўрқинчли ғингшиб, ликопча ва қадаҳларни қулат-ганча столдан тушади: қўлида қамчи ва тўппонча би-лан кабиетдан чиққан Арсений Семёнич тўсатдан зал-да ўқ узади. Залда тутун яна ҳам қуюқлашади, Арсе-ний Семёнич эса, тик турганича кулади.

— Хато кетгани чатоқ бўлди-да! — дейди у кўзлари-ни ўйнатиб.

У бўйчан, ориқ, лекин елкалари кенг ва келишган

йигит, юзи эса лўлиларникидек кўркам. Унинг кўзлари галати ялтирайди, малшнранг шоҳи кўйлак, бахмал чолвор ва узун этикда у жуда чаққон кўринади. У итни ва меҳмонларни ўқ узиш билан кўрқитиб, ҳазил аралаш гердайганча ўртача овозда:

Пайтидир, эгарланг чопқир саманни,
Бурғи овозлари ортада қолсинлар!—

деб шеър ўқийди-да, баланд овозда дейди:

— Хўш, аммо-лекин, олтин пайтларни беҳуда ўтказмаслик керак!

Арсений Семёничи шовқин-суронли тўдаси билан кетаётганигда баъзан қандайдир Қизил тепа ёки Чинқироқ оролдаги қалин ўрмонга ташланган итларнинг вовиллашларидан ҳаяжонланасан, бу жойларнинг номиеқ овчини тўлқинлантиради. Навқирон кўкракнинг кечқурунги тоза ва намхуш салқин ҳаводан иштиёқ билан, тўймай нафас олишини мен ҳанузгача туйиб тургандек бўламан. Ўйноқи, бақувват ва пакана қирғизи от устида тизгинни маҳкам ушлаб борар экансан, ўзингни у билан бирикиб кетгандек сезасан. От пишқиради, йўрттир дегандай олға юлқинади, ерга тўкилган қоп-қора хазонлардан тўшалган қалин ва енгил гиламни туёқлари билан шилдиратади, яланғоч, намхуш ва мусаффо ўрмонда ҳар бир товуш баралла эшитилади. Қаердадир узоқда ит акиллайди, иккинчиси, учинчиси зўр бериб, ўкинчл-а унга жавоб қилади — бирданига бутун ўрмон, бамисоли ойнадан ясалгандек, акиллаш ва қичқириклар гулдуросидан зириллаб кетади. Бу шовқин-сурон ичида варанглаган ўқ овози янграйди — шу билан «ишлар қайнаб кетади», овозлар узоқлашади.

— Эҳтиёт бў-ўл!— дея қичқиради кимдир овози борица, бутун ўрмонни бошга кўтариб.

«Ҳа, эҳтиёт бўл!»— деган фикр каллада йилт этиб, кишини эсанкиратади. Отга қамчн босиб, занжирдан

узилгандек ўрмон бўйлаб ўнгу терсингга қарамай учасан. Фақат кўз олдиндан дарахтлар лип-лип ўтади, от туёғидан сачраган лойлар юзингга ёпишади. Ўрмондан чиқасан-да, майсазорга ёйилган турли-туман итлар галасини кўрасан, овнинг йўлини тезроқ кесиб чиқиш учун майсазор бўйлаб, шудгор ва анғиз бўйлаб қирғизи отни яна ҳам қичайсан, ниҳоят, бошқа оролга ўтиб қоласан, шунда ҳам қутуриб акиллаётган ва вангиллаётган итлар галасини кўриб турасан. Ҳаммаёғинг шалаббо ҳўл ва ҳаяжондан титраган ҳолда кўпикланиб кетган ва пишқириб турган отингни тўхтатасан ва ўрмон водийсининг муздек, намхуш ҳавосидан ютоқиб нафас оласан. Узоқда овчилар қичқириғи ва итлар акиллаши тинади, атрофинг жимжит бўлиб қолади. Ярим яланғоч, тик ўсган ўрмон ҳаракатсиз туради, гўё ўзининг қандайдир даҳлсиз саройга кириб қолгандек сезасан. Жарликлардан унниқиб қолган қўзиқорин, чириган хазон ва ҳўл томирлар ҳиди анқийди. Пастликдан эсаётган нам ҳаво тобора кўп сезилади, ўрмонга салқин ва қоронғилик тушади... Тунаш вақти етиб келади. Аммо овдан кейин итларни йиғиб олиш осонмас. Ўрмонда бурғининг умидсиз ва юракни қисадиган овози анчагина янграб туради, қичқириқлар ва итларнинг вангиллаши анчагача қулоққа чалиниб туради... Ниҳоят, овчилар тўдаси тимқоронғида қарийб нотаниш бирор бўйдоқ помешчикнинг қўрғонига қўнади, меҳмонларни кутиб олиш учун олиб чиқилган тошчироқ, шам ва лампа ёруғида бутун қўрғон ҳовлисини ғовур-ғувур билан тўлдиради...

Баъзан бундай меҳмондўст қўшнининг ҳовлисида ов таҳликаси бир неча кун давом этарди. Эрта тонгда, муздек шамол ва илк совуқ ёғингарчилик пайтида ўрмонлар ва далаларга отланардик, қош қорайгач ҳаммаёғимизга лой чапланган, юзларимиз қизарган, кийимимиздан терлаган от ва ўлдирилган ҳайвон ҳиди анқиб турган ҳолатда яна қайтардик. Ичкиликбозлик бошланар-

ди. Кун бўйи совуқ далада юрган одамга ёруғ ва кўпчилик ўтирган уй жуда иссиқ туюларди. Меҳмонлар эркакча белбурма камзулда у хонадан-бу хонага кириб чиқишар, тартибсиз равишда ичишар, ейишар, ўлдирилган каттакон бўри тепасида уймалашишиб, ўз таасуротларини шовқин-сурон билан бир-бирларига айтиб беришар эди. Бўрининг жасади эса, тишлари тиржайиб, кўзлари чақчайиб, сержун думи бир томонга чўзилганча залнинг қоқ ўртасида ётар, унинг совиган ва рангпар қони уй саҳнига силқирди. Арақ билан овқатдан кейин шундай ширин чарчоқни ҳис этасан, шундай ширин мудроқ босадик, гўё сўзлар қулоғингга сувнинг орасидан ўтиб келаётгандек эшитилади. Шамол ялаган юзинг ловиллайди, кўзингни юмсанг, оёғинг остида ер айланаётгандек бўлади. Қандайдир қадимий бир хонанинг бурчагида, икона олдида мойчироқ ёниб турган бурчакдаги ўринга, юмшоқ партўшакка ётганингда кўз олдингдан турли-туман нтларнинг шарпалари ўтиб туради, бутун баданингда отда йўртганларинг оғриғини сезасан ва ана шу тасвиру сезгилар билан бирга ширин, қаттиқ уйқуга чўмганингни сезмай қоласан. Ҳатто бу хона қачонлардир номи мудҳиш афсоналарга боғлиқ бўлган қариянинг ибодатгоҳи бўлганини, қария вафот этганида, албатта, уни мана шу каравотга ётқизиб қўйганларини ҳам унутасан.

Узоқ ухлаб овдан қолиб кетсанг, ҳордиқ чиқариш алоҳида кўнгилли бўлади. Уйғонасан-да, ўрнингда узоқ ётасан. Бутун уй жимжит. Боғбоннинг хоналар бўйлаб эҳтиёткорлик билан юргани, печкаларга ўтин қалагани ва ўтиннинг пишиллаб, чирсиллаб ёниши эшитилади. Олдинда аллақачон қиш фаслига хос осудаликка чўмган қўрғонда бутун бошли осойишта кун кутади сени. Шошилмасдан кийинасан, боғни айланасан, ҳўл барглар устида тасодифан унутиб қолдирилган муздек, усти ҳўл олмани толиб оласан. У негадир ҳаддан ташқари ширин, бошқа олмалардан кўра ўзгачароқ бўлиб

кўринади. Сўнгра китоб ўқишга тушасан, боболардан қолган чарм муқовали китоб, китобнинг сахтиён муҳрасига зарҳал юлдузлар тасвири туширилган. Черковда ўқиладиган требникни эслатадиган бу китобнинг саргайган ва қалин ғадир-будир қоғози ёқимли ҳид, қандайдир ёқимли ачимтил моғор, қадимий атир ҳидини беради... Саҳифаларнинг ҳошияларига ғоз пати билан йирик-йирик ва нозик думалоқ шаклли ҳарфларда ёзилган белгилар ҳам яхши. Китобни очиб: «Қадимги ва янги файласуфларга муносиб фикр, ақл меваси ва юрак сезгиси»... деган сўзларни ўқийсан. Беихтиёр китобнинг ўзига қизиқасан. Китоб — номи «Файласуф дворянин», мажоз тахлитда ёзилган, бундан юз йил муқаддам қандайдир «кўпгина орденлар нишондори» мутасаддилигида нашр этилган ва умум маърифат маҳкамасининг босмахонасида босилган — «фикрлашга вақти ва иқтпдори етарли, инсон тафаккурининг юксакликларга кўтарила олишини тимсоли бўлмиш файласуф дворяниннинг ўз қишлоғидек кенг жойда маърифат тарқатиш лойиҳасини тузиш учун ўзида иштиёқ сезгани» ҳақида ҳикоя қилади... Кейин «жаноб Вольтернинг ҳажвий ва фалсафий асарлари»га дуч келасан ва анчагача ёқимли ҳамда оҳангдор услубдаги таржимани маза қилиб ўқийсан: «Тақсирларим! Эразм ўн ва олтинчи юз йилликда бемаънликка таҳсин ўқиди (қироат билан тин олинади — нуқтали вергул); сиз менга ўз ҳузурингизда тафаккурни кўкларга кўтаришни буюриб турибсиз...» Сўнгра Екатерина замонидаги романтик даврга, альманахларга, йиғлоқ жимжимадор ҳикояларга тўла узундан-уzun романларга ўтасан... Бўм-бўш уйдаги соатдан какку қуш чиқади-да, кинояли-ғамгин оҳангда бошнинг устида кукулайди. Шунда қалбингга аста-секин ширин ва ғалати соғинч ўрмалаб кириб кела бошлайди...

Мана, «Алексиснинг сирлари», мана «Виктор ёки ўрмоидаги бола»: «Ярим кечага занг урилди. Кундузги шовқинлар ва қишлоқ аҳлининг қувноқ қўшиқлари ўр-

инин муқаддас сокинлик эгаллайди. Бизнинг ярим шаримиз устига уйқунинг қоп-қора қанотларин ёйилади; улардаги зулмат ва орзуларни тигратади... Орзулар... Улар бадбахтлик азоб-уқубатлари орасида ҳам яшайверадилар!..» Кўз олдиндан қадимий севимли сўзлар ўта бошлайди: чўққилар ва эманзорлар, оппоқ ой ва ёлғизлик, хаёлий шарпа ва арвоқлар, «ҳаёсизлар», атиргуллар ва гулсапсарлар, «шумтакаларнинг шўхлигию ўйин-қароқликлари», оппоқ, момик қўлли Людмила ва Алиана... Мана, Жуковский, Батюшков, лицей талабаси Пушкин номлари билан чиққан журналлар. Шунда ўқинч билан бувингни эслайсан, унинг клавиқорда¹ чалиб берган полонезларини², «Евгений Онегин»дан узундан-узоқ шеър ўқиб берганларини хотирлайсан. Шунда қаршингда кўҳна, хаёлий ҳаёт гавдаланади... Қачонлардир дворянларнинг қўргонларида дилбар қизлар ва хотинлар яшаганлар! Уларнинг суратлари девордан менга боқиб туради, сочиға қадимий услубда оро берилган, аслзодаларга хос гўзал бошчалар, узун кирикли ғамгин ва меҳрибон кўзлар беозор назокат билан тикилади.

IV

Помешчикларнинг қўргонларидан антоновка олмаларининг ҳиди йўқолиб боради. Ўша кунлар яқиндагина кечган эди, бироқ менга ўшандан бери салкам бутун бир аср ўтгандек туюлади. Виселкидаги қариялар аллақачон ўлиб кетишди, Анна Герасимовна ҳам бандаликни бажо келтирдн, Арсений Семёнич ўзини-ўзи отди... Қашшоқлашган кичик ер эгалари ҳукмронлиги бошланди. Бироқ ана шу қашшоғона кичик ер эгалиги ҳаёти ҳам яхши!

¹ Клавиқорд — қадимги клавишли музика асбоби (тарж. изоҳи).

² Полонез — полякча миллий рақс (тарж. изоҳи).

Мана, кеч кузда мен ўзимни қишлоқда кўраман. Ҳаво кўкиштоб ва булутли кунлар кечади. Эрталаб отга минаман-да, ёнимда бир ит, қўлимда қурол ва бурғи билан йўлга тушаман. Шамол увиллайди ва милтиқ оғзига кириб, ҳуштак чалади, рўпарадан уради, гоҳ қуруқ қорни пуркайди. Мен кунбўйи қуруқ ялангликларда тентирайман... Кечқурун очқаб, совқотиб қўргонга қайтаман, Виселкида чироқлар ёниб, қўрғондан тутун ва хонадон ҳиди келган паллада кўнгилга қувонч ва илиқлик югуради. Эсимда, бундай пайтларда бизнинг уйдагилар «қоронғида ўтиришни», чироқ ёқмасдан нимқоронғиликда суҳбатлашишни ёқтиришарди. Уйга кириб, қишлик ромларнинг ўрни-ўрнига қўйилганини кўраман, бу нарса сокин қиш фаслига мойиллигимни яна ҳам оширади. Қароллар уйида хизматкор печка ёқади, мен эса худди болалик пайтимдагидек, аллақачон қиш ҳиди анқиб турган похол уюми олдида чўнқайиб ўтираман, гоҳ дераза орқали кўкиш рангга кириб, қоронғиликка чўмиб бораётган уфққа тикиламан. Кейин хизматкорлар турадиган уйга кираман. У ер ёруғ ва серодам: қизлар карам тўғрайдилар, оқшоқ туядилар, мен бир маромдаги «тўқ-тўқ»лаган овозга, ғамгин ва қувноқ қишлоқча қўшиқларга қулоқ соламан... Баъзан кичик ер эгаси бўлган қўшнилardan бирортаси келади-да, мени узоқ муддатга ўз уйига олиб кетади... Кичик ер эгасининг ҳаёти ҳам қанчалар яхши!

Кичик ер эгаси барвақт туради. Қаттиқ керишиб, ўрнидан туради-да, арзон қора тамакидан ёки оддий махоркадан йўғон папирос ўрайди. Ноябрь бошларидаги эрта тонгнинг сўниқ нури хонанинг оддий, ялангоч деворларини ёритади, каравот устидаги сарғиш ва шўралаган тулки терисига, чолвор ва камари ечилган қийиқ ёқа куйлакдаги йирик гавдага тушади, ойнада эса уйқудан қовоғи шишган татар башара қиёфа кўринарди. Ярим қоронғи, иссиқ уй жимжит. Эшик ортидаги коридорда ёш қизчалик пайтидан яшаб келаётган кек-

са ошпаз аёл хуррак отиб ухлайди. Бироқ бу нарса хўжайиннинг ҳирқироқ овозда бақиришига халақит бермайди:

— Лукерья! Самовар қўй!

Сўнгра этигини кияди, белбурма камзулини елкасига ташлаб, қўйлагининг тугмаларини солмасдан пиллапояга чиқади. Эшиги берк даҳлиздан ит ҳиди келади; този итлар эринчоқлик билан керишиб, ғингшиб эснганча, тишларини тиржайтириб, эгасини ўраб олишади. У секин, такабуррона овозда:

— Нарг тур!— дейди-да, боғ орқали ғарам томонга юради. У яланғоч боғда тун бўйи янада салқинлашган тонгги сарин ҳаводан кўксини тўлдириб нафас олади. Ярим-ёртиси кесиб олинган қайинзор йўлакда ерга тўкилган ва совуқдан қорайган барглрар этик остида шитирлайди. Бостирма бўғотида ҳурпайиб ухлаётган зағчалар нимқоропғи осмонда ғалати кўринади... Бугун ов бароридан келадиган кун! Барин йўлак ўртасида тўхтаб, кузги дон экилган, ҳозир бузоқлар ёйилиб юрган яланг далаларга узоқ тикилади. Иккита қанжиқ унинг оёқлари остида ўралашиб ингиллайди. Заливай эса боғнинг нарёғига ўтиб олган: тиканли анғизда, гўё далага чорлаётгандек, уёқдан-буёққа югуради. Ҳозир бу тозилар билан нима ҳам қилиб бўларди? Жониворлар энди далада, очиқ ялангликда, қора сўқмоқларда изғийди; ўрмонда юришга чўчийди, чунки ўрмонда шамол хазонларни ваҳимали шитирлатади... Эҳ, қани энди чинакам ов итлари бўлса!

Бостирмада ғалла янчиш бошланади. Молотилка секин айланиб, тарақа-туруқлайди. Ғалла янчаётган отлар қайиш-абзаллари тортилиб, ўзлари тезаклаган доира бўйлаб туёқларини қаттиқ босиб эринчоқлик билан айланади. Ўртадаги айланма курсида ўтириб олган хўп ҳайдовчи бир маромда уларни чуҳ-чуҳлайди-ю, фақат қўнғир ахтани қамчилайди, негаки қўнғир ахта кўзи боғлоқ бўлгани учун бошқа отларга қараганда эрин-

чоқлик билан қадам ташлайди ва юрган йўлида ухлайди.

— Қани, қани, қизлар!— дея синолик билан жиддий қичқиради кенг-мўл бўз кўйлак кийиб олган, ҳўпга янги даста ташлаб турувчи хизматкор.

Қизлар шошила-шошила хирмонни супуришади, замбил билан, супурги билан уёқдан-буёққа югуришади.

— Худо баракасини берсин!— дейди даста ташлаб турувчи хизматкор. Синаш учун ташланган бир тутам ғалла ўрими визиллаш ва чийиллаш овозлари билан барабанга учиб ўтади ва унинг остидан титилиб кетган елпиғичдай куч билан юқорига чиқариб ташланади. Барабан эса тобора қаттиқроқ гувуллайди, иш қайнаб-тошади ва тезда овозлар ғалла янчишнинг умумий ёқимли товушига қўшилиб кетади. Барин бостирма эшиги олдида турганича қизил ва сариқ кўйлакларнинг уёқ-буёққа лнп-лнп этиб ўтишини, ишчи қўллари, хаскашлар ва сомон зарраларининг ҳаракатини кузатади. Бажарилаётган ишларнинг ҳаммаси барабан шовқини, ўртадаги ҳўп ҳайдовчининг бир хил оҳангдаги қичқириги ва ҳўштаги остида бир меъёрда давом этади. Хирмондан учаётган чанг ва гард узун хартум сингари эшик тарафга чўзилади. Бундан бариннинг ҳаммаёғи чангга беланади. У далага бот-бот қараб қўяди... Далалар тез кунларда оқариб қолади, тез кунларда қор билан қопланади...

Қор, биринчи қор! Чиннакам ов итларп йўқ, ноябрда уларсиз ов қилиб бўлармиди; бироқ қиш бошланади, тозилар билан «ишлаш» бошланади. Мана тагин, худди қадимги замонлардагидек, кичик ер эгалари бир-бирлариникига боришади, сўнгги пулларига нчишади, кунбўйи қорли далаларда қолиб кетишади. Кечқурун эса қандайдир овлоқ қўргойдаги кичик уйчада узоқ қиш кечаси давомида чироқ ёнади. У ерда — худди шу кичик уйчада пага-пага тутун сузиб юради, ёғ шамлар хира нур таратади, гитаралар созланади.

Кечқурунлар эсиб қолар шўх шамол,
Дарвозамни ланг очади у дарҳол,—

дея қўшиқ бошлайди кимдир ингичка овозда. Бошқалар ҳам мугамбирлик билан ҳазиллашиб, қўполдан-қўпол, ғамгин ва умидсиз оҳангда унга жўр бўлишади:

Дарвозамни ланг очади у дарҳол,
Йўлларимни қорга кўмар, бу не ҳол?..

1900

СЎНГГИ УЧРАШУВ

I

Куз фаслининг ойдин, намхуш ва салқин кечаларидан бирида Стрешнев отни эгарлашни буюрди.

Қоп-қоронғи отхонанинг узунгина дарчасидан тушаётган кўкимтир дуд тусли ой шуъласида ичкаридаги тўриқ отнинг кўзлари қимматбаҳо тош сингари ялтирар эди. Хизматкор отни юганлаб, устига оғир ва баланд — казакча эгар урди-да, жиловидан ушлаб отхонадан олиб чиқди, сўнгра думини калта қилиб тугиб қўйди. Тўриқ ювош эди. Фақат қорнига пуштон тортилганини сезиб, қовурғаларини ёйиб чуқур нафас олди. Пуштонларнинг биттаси аввал узилган эди. Хизматкор ўша пуштонни тўқасига аранг етказиб, тиши билан тортиб боғлади.

Эгар урилиб, думи тугилган тўриқ янада бежирим кўринарди. Хизматкор отни уй олдига — зинапоя ёнига етаклаб келди, тизгинини чириб қолган устунга боғлади-да, кетди. Тўриқ анчагача лабларини шипиллатиб турди, сариқ тишлари билан устунни кемтий бошлади. У гоҳо-гоҳо ер тепиниб, пинқириб, бор кучи билан кишнаб қўярди. Ёнидаги ҳалқобда кўкиш ярим ой акс этиб турарди. Сийраклашиб қолган богни қоплаган шаффоф туман чўкиб борарди.

Стрешнев қўлида қамчиси билан зинапояга чиқиб

келди. Кичкина бошини тик тутган, қирғий бурун, қотма, кенг елкали бу одам хипча бели кумуш безакли камар билан боғланган жигарранг белбурма камзул ва казакча усти қизил қалпоқда новча, овчилардек чаққон бўлиб кўринарди. Бироқ ой ёруғида ҳам оқаринқиратган, шамолда қуруқшаган юзи, оқ оралаган жингалак соқоли ва чайир бўйни, қўнжи узун этигининг эскилиги, камзулининг этагида анча аввал қуён жуни аралаш қотиб қолган қон қора доғлари яққол кўриниб турарди.

Зинапоя ёнидаги қоронғи деразанинг форточкаси очилди. Ҳадиксираш оҳангидаги овоз эшитилди:

— Андрюша, қаёққа кетяпсан?

— Мен ёш бола эмасман, ойи,— деди Стрешнев қовоғини уйганича югани ушлар экан.

Форточка ёпилди. Даҳлизда эшик тарақлагани эшитилди. Тўладан келган, қовоқлари шишган, эгнига камзул кийиб олган Павел Стрешнев туфлисини шапиллатганича остонага чиқди. У ҳамишагидек ширакайф эди.

— Қаёққа кетяпсан, Андрей?— сўради у хирилдоқ овозда.— Вера Алексеевнага алангали саломимни етказишингни илтимос қиламан. Мен ҳамиша уни ҳурмат қилиб келганман.

— Сен кимни ҳурмат қила олардинг?— жавоб берди Стрешнев.— Уялмайсанми шу гапларни айтгани. Нима учун бошқаларнинг ишига тумшуғингни тиқиб юрасан?

— Ҳа, шундайми! Демак, мен ҳақиқатдан узоқ эмас эканман,— деди Павел.— Ошиқар ёш ошиқ видолашувга...

Стрешнев тишини тишига қўйиб, отга мина бошлади. Оёғи узангига тегиши билан тўриқ жонланиб, турган жойида ўйноқлади. Стрешнев липпа кўтарилди-ю, ғирчиллатиб эгарга ўтирди. Тўриқ бошини силкитди-да, туёғи билан ҳалқобдаги ой аксини парчалаб, шитоб билан йўрғалай кетди.

Пайкаллар уватида ўсган явшаилар намхуш ҳаволи ойдин кечада хирагина оқариб кўринади. Уватлардан учган узун қанотли бойўғлилар товуш чиқармай осмонга кўтарилади, от ҳуркиб пишқиради, ён тарафга сачийди. Йўл жимжитликка чўмган, хира ойдин ва шудрингда салқинлашган бутазор оралаб кетади. Ёрқин ва ҳозиргина сувга чайиб олингандек ой дарахтларнинг ялангоч шохлари орасидан ялтираб кўринади, ялангоч новдалар унинг намхуш шуъласига қоришиб, кўмилиб кетади. Терак пўстлоқларининг ачимсиқ ҳиди келади, чуқурликлардан эса чириган хазон иси анқийди... Мана, ўрталикдаги жарга тушадиган йўл. Жарлик бамисоли оппоқ, енгил буғ билан тўлдирилган тубсизликка ўхшаб кўринади. Шудрингдан оқарган хас-хашаклар ичидан ўтиб бораётган тўриқ ҳам оппоқ бугдан нафас олади. От туюқлари остида қарс-қурс синаётган шох-шабба овози нариги тарафдаги баланд — тоғ ёнбагрида қорайиб турган ўрмонда акс садо беради...

Тўриқ тўсатдан қулоқларини чимирди. Жарликдаги оппоқ тутунсимон буг ичида иккита ягриндор, бўйин йўғон, оёқлари ингичка бўри кўринди. Стрешнев яқинроқ келганида улар бирданига шаталоқ отиб, қиров қоплаган ўт-ўланларни оралаб лапанглаганча тепага йўртиб кетди. Стрешнев бошини кўтариб, осмондаги ойга боқди-да:

— У яна бир кун қолса-чи?— деди.

Ой ўнг тарафдаги кумушранг туман билан қопланган кенг яйлов устида муаллақ турибди... Қузги андуҳли ва гўзал манзара!

— Шундай қилса,— деди Стрешнев, — шунда...

Тўриқ эгарни ғичирлатиб, сув ювиб кетган пастқамликдаги ўнқир-чўнқир йўлдан кучаниб ва зўриқиб кўтарила туриб, бирданига мункиб кетиб ўтириб қолаёзди. Ҳазабдан Стрешневнинг афти буришиб кетди. У

қамчинини кўтариб, бор кучи билан отнинг бошига урди.

— Ҳу, қирчанғи!— унинг қайғу ва ғазаб тўла қичириғи бутун ўрмонни тутди.

Ўрмон тугаб, бепоеъ яланг майдонлар бошланди. Қорайиб турган гречиха анғизи ўртасидаги қияликда ғарибгина қўрғон, хизматкорлар турадиган кулба, томи похол билан ёпилган уй кўзга ташланди. Қўрғон ой ёругида нақадар ёлғиз ва нажотсиз кўринарди! Стрешнев отинп тўхтатди. Теварак-атроф жимжит эди. Назаарида вақт алламаҳал бўлиб кетгандек туюлди. У отда ҳовлига кириб борди. Уй қоп-қоронғи эди. Стрешнев тизгинни қўйиб юбориб, эгардан сакраб тушди. Тўриқ ювошлик билан бошини эгганича жойида тураверди. Зинапоя устида қари този тумшуғини оёқлари устига қўйганича букилибгина ётарди. У ўрнидан қимирламади, фақат кўзини хиёл очиб қаради-да, танигандек думини силкитиб қўйди. Стрешнев омборхона ичкарисидан кўҳна ҳожатхона ҳиди келиб турган даҳлизга кирди. Қираверишдаги кичик хона қоронғи эди. Терлаган ойнадаги совуқ томчилар олтиндек ярқирарди. Жуссаси ихчам бир аёл енгилгина калта ички қўйлакда қоронғи коридордан товуш бермай югуриб чиқди. Стрешнев салом бергандек эгилди. Аёл яланғоч қўллари билан унинг этсиз бўйнидан тез ва маҳкам қучиб олди-да, бошини ошиғининг қаттиқ мовут камзулига қўйганича қувонганидан астагина йиғлади. Юрагининг гурс-гурс уриши эшитилар, кўкрагида бувисидан қолган ва ўзининг сўнгги бисоти бўлган олтин бутчанинг кўтарилиб-тушаётгани сезилиб турарди.

— Эрталабгача шу ерда қоласанми?— дея тезгина пичирлаб сўради аёл.— Ростданми? Бахтиёрлигимга ишонгим келмайди!

— Мен отни боғлаб келаман, Вера,— деди Стрешнев аёлнинг қучоғидан чиқиб.— Эрталабгача, эрталабгача...

У шу сўзларни айтатуриб ўйланди: «Ё тавба, кундан-кунга ўт олади, кундан-кунга рашки кучаяди, тоқат қилиб бўлмайдиган бўлиб боряпти! Ўзи қанчалик кўп чекади, қанчалик кўп эркалатади! Ўзининг ортидан эргашиб юрганларни гапиравериб, менинг рашкимни кўз-ғамоқчи бўлади. Ёлғон гапириши қанчалик аянчли... О!— дея ўйлади у ногаҳоний ғазаб билан — кўришга кўзим йўқ!»

Веронинг упа сурилган юзи бахмалдек мулойим эди. Жувон ўз бўйинини эҳтиёткорлик билан ошиғининг лабларига суртди, сўнгра майин лаблари билан уннинг лабидан ўпди. Аёлнинг очиқ кўкрагида бутча ярқирарди. У ўзи учун энг қимматли дақиқаларга асраб қўйган якаю ягона, нафис қўйлагини кийиб олган эди...

«Бундан ўн беш йил аввал,— ўйлади Стрешнев аёлнинг қизлик пайтидаги ҳолатини кўз олдига келтиришга уриниб,— бундан ўн беш йил аввал бу аёл билан бўладиган бир марталик учрашув учун ўзимнинг ярим ҳаётимни бағишлашга тайёр эдим!»

III

Тонгга яқин хона саҳнида, тўшалган жойнинг ёнгинасида шам ёниб турарди. Новча бўйли Стрешнев этик ва чолворда, қийиқ ёқали қўйлагининг тугмаларини солмасдан чалқанча ётарди. У қўлларини боши остига қўйганича қирғий бурунли юзини жиддий вазиятда қоронғиликка буриб олган эди. Вера унинг ёнида қўлларини тиззаларига тираб ўтирарди. Унинг шаҳло кўзлари қизарган, йиғининг зўридан қовоқлари шишган эди. У папирос чекканича ерга маъносиз тикиларди. Кўп ўтмай у оёғини чалиштириб ўтирди. Бу бежирим оёқчалар аёлнинг ўзига ҳам жуда ёқарди. Бироқ юрагидаги дард бениҳоя зўр эди.

— Мен сен учун ҳамма нарсани қурбон қилдим, — сўзлади у лаблари титраб.

Аёлнинг овозида шу қадар майинлик, шу қадар ўқсиниш бор эдики! Бироқ Стрешнев кўзларини каттароқ очиб, совуққонлик билан сўради:

— Нималарни қурбон қилдинг?

— Ҳаммасини, ҳамма нарсани. Энг аввало ифғатимни, ёшлигимни...

— Қим билсин, сен билан биз шунчалик ёш эмасдирмиз.

— Қанчалик қўпол, бемеҳрсан-а!— деди аёл эркаланиб.

— Оламдаги барча аёллар фақат битта гапни топиб олишган. Аввалига ҳаяжон билан, завқ-шавқ билан: «Қанчалик зийрак, меҳрибонсан!» Кейин: «Қанчалик қўпол, бемеҳрсан-а!»— дейишади.

Аёл унга қулоқ солмасдан оҳиста йиғлаганича сўзлар эди:

— Майли, мен тузукроқ одам бўлмай қўя қолай... Лекин мен музикани севардим, севганда ҳам жонимдан ортиқ, оз бўлса ҳам, ҳар қалай унча-мунча муваффақиятга эришармидим...

— Эҳ, музикани эмас. Фақат Падарский бўлса...

— Бунча қўполсан, Андрияша... Энди мен институтда пианино чалувчи аянчли бир кимсаман, яна қаерда дегин! Ўзим ҳамиша ёмон кўрадиган лаънати шаҳарда! Истасам, ҳалиям бўлса менга осойишта оилавий ҳаёт бахш этадиган, мени севадиган ва ҳурмат қиладиган одамни тополмайманми?

Стрешнев тамаки тутатиб, оҳиста, сўзларни бўлиб-бўлиб жавоб берди:

— Вера, биз дворянлар жинсиданмиз, шунчаки севиш умуман қўлимиздан келмайди. Бу — биз учун заҳар. Аслида, сен эмас, мен ўзимни-ўзим хароб қилдим. Ун беш йиллар аввал бу ерга ҳар куни келар ва сенинг остонамда тунашга тайёр эдим. У вақтда мен завқни ошиб юрган, мулоим табиатли лақма бир бола эдим...

Папироснинг ўти ўчиб қолди. Йигит шифтга тикил-

ганича папиросни узоққа улоқтирди-да, қўлини ёнига ташлади.

— Боболаримиз муҳаббати, униққан, четларига зар қоғозлар ёпиштирилган думалоқ гардишли портретлардаги аجدодларимизнинг Гурий, Самон ва Авив тимсоллари, оилаларимизнинг қадимий пушти паноҳларининг муҳаббатлари... Буларнинг бари сен билан бизга аталган эмасмиди? Ўшанда мен шеър ҳам ёзгандим:

Шу тупроқда юз йил муқаддам —
Севган ошиқларга ўхшагим келар.
Кезиб харобазор боғларда тунлар,
Юлдузларни санайман мен ҳам...

У Верага бир қараб олиб, қатъий сўзлади:

— Нима учун кетдинг — кимнинг орқасидап кетдинг? Ўз уруғингдан, ўз қабилангдан-а!

У хиёл ўрнидан туриб, аёлининг рўпарасига ўтди-да, ғазабли кўзлари билан унинг қоп-қора қуюқ сочларига тикилди:

— Мен сени ҳаминша завқ-шавққа тўлиб, эҳтиром билан, фақат жуфти ҳалолимни ўйлагандек ўйлардим. Тақдир бизни қовуштирган пайтда-чи? Мен учун қандай нарсага айландинг?.. Аввал эса ёшлик, қувноқлик, поклик, қип-қизил ёноқлар... Сизларникига ҳар купи келиш, кийган кўйлагингни, енгилгина, яп-янги ўша батис кўйлакни, офтобда қорайган, аждодларимиз қони сабабидан қорамағиз билакларингни, татарларнинг кўзига ўхшаш чақноқ кўзларингни — мени кўрмайдиган кўзларингни — чакканга, сочларинг орқасига тақиб олганинг сариқ гулни, ўша пайтлардаги содда, қандайдир ҳайратли, бироқ гўзал табассумингни, ҳатто, гўё қўлингдан юмалоқ ўйинчоққа берилиб, аслида биров ҳақида ўйлаганча боғдан йўлка бўйлаб мендан нари кетаётганингни кўриш, балконда турган ойингнинг оғзидан чиқадиган ҳақоратли сўзларни эшитиш — буларнинг ҳаммаси мен учун...

— Бу ишларнинг ҳаммасига мен эмас, ойим айбдор,— деди Вера ноилож.

— Биринчи марта Москвага кетаётган пайтингни эслайсанми? Йўл ҳозирлигини кўраётиб хаёл билан қандайдир қўшиқни куйлардинг, ўз орзуларингга, бахтга бўлган умидларга берилиб кетганингдан мени кўрмасдинг. Ҳаво очиқ куни кечки салқинда сизларни кузатиш учун от миниб чиқдим. Майсазорлар ярқираб турар, дони ўриб олинган анғизлар ва очиқ вагон ойнасидаги дарпарда қизариб кўринарди... Эҳ!— Стрешнев газаб билан уҳ тортди-да, кўзларига ёш қалқиб, яна болишга бошини қўйди. — Қўлингдаги тизимгулнинг ҳиди менинг қўлларимда ҳам қолган эди. Уша ҳид юган, эгар, терлаган от ҳидига қўшилиб кетди, лекин ўша ҳидлардан сармаст эдим. Ғира-ширада катта кўча бўйлаб кетаётиб йиғладим... Мабодо бирор кимса ҳамма нарсани, ўзининг бутун умрини қурбон қилган бўлса, ўша расво одам менман!

Стрешнев ўз ёноқларидан, мўйлабидан лабига юмалаб тушган кўз ёшларининг таъмини сезди-ю, этигини ўриндан пастга туширди, хонадан ташқарига чиқди.

Ой оғиб қолганди. Қия далаларни қоплаган сийрак туман кўкиш-қора тусга кириб борарди. Ундан нарида, узоқ-узоқларда тонгги шафақ кўзга ташланарди. Узоқда қорайиб турган салқин ўрмонда — қоровулхонада хўроз қичқирди.

Стрешнев пиллапоя зинасига ўтирди. Бадани юпқа кўйлак остида салқин намхуш ҳаводан жункиб бораётганини сезди.

— Кейин эса, албатта, ролларимиз алмашди,— деди у жирканиш билан, секин.— Шунақа, энди бунинг фарқи йўқ. Тамом...

IV

Эрталаб салқин даҳлизда, улкан сандиқ устида чой ичдилар. Артиб тозаланмаган, кўкариб кетган само-

вар ўртада турарди. Дераза ойналарини қоплаган совуқ тер юқориги кўзлардан сирғалиб тушганди. Аёзли тонгги қуёш жилваси, у ер-бу ери совуқдан омон қолган кўкатлар ўртасидаги эгри ўсган дарахт кўриниб турарди. Оёқяланг, уйқудан қовоқлари шишган сап-са-риқ қиз кириб:

— Митрий келди,— деди.

— Кутиб туради,— деди Стрешнев қизга қарамасдан.

Вера ҳам нигоҳини ўзгартирмади. Бир кечада унинг юзи озиб қолгандек, кўзларининг таги ва қовоқларининг атрофида малларанг ғуборлар пайдо бўлганди. Эгнидаги қора кўйлаги уни ёш ва гўзал қилиб кўрсатарди, сочи қоп-қора бўлганидан юзидаги упа пушти ранг касб этарди. Стрешневнинг совуқ ва шафқатсиз юзи тескари ўгирилганича қотиб қолганди. Дағал, жингалак-қўнғир соқоли орасидан йирик кекирдаги кўриниб турарди.

Ҳовлида эндигина чиқиб келаётган офтоб нурлари кўзни қамаштирарди. Зинапояни совуқдан бошдан-оёқ оппоқ қиров босган эди. Кўкатлар, ҳовлида сочилиб ётган карам баргларининг кўкиш-зангори косалари устига совуқ бамисоли туз сепиб қўйгандек эди. Пичан ортилган аравасини нақ зинапоягача тақаб келган, ҳаммаёғини қиров босган қалайиранг кўзли мужик трубкасини тишлаганича арава атрофида айланар, пичани зичлаб жойлаштирарди, унинг елкаси оша ҳавога оч-бинафшаранг тутун ўрларди. Вера қимматбаҳо ва енгилгина, лекин аллақачон эскириб расмдан қолган шуба билан қора похолдан тўқилган дағал, қўнғир тусли ола-чалпоқ гулли ёзги шляпа кийиб зинапояга чиқди.

Стрешнев Верани қирови эрий бошлаган қишлоқ йўлидан катта йўлгача кузатиб борди. У араванинг ортида кетарди. Остидаги тўриқ аравага ортилган пичанга интилди. Стрешнев отнинг тумшуғини мўлжаллаб

қамчин тортиб юборди, тўриқ бошини силкиб, огир пишқирди. Ҳамма жим эди. Қўргондан Стрешневга эргашиб чиққан қари този ортда югуриб келарди. Унча баланд кўтарилмаган қуёш илиққина нур сочар, осмон тиниқ ва мулойим эди.

Катта йўлга етганларида мужик тилга кирди:

— Хоним, мен ёзда ўғилчамни яна сизга опкелиб топшираман. Уни сизга яна подачиликка бермоқчиман.

Вера бурилиб, хижолатомуз жилмайди. Стрешнев бошидан шапкасини олди-да, эгарда турибоқ эгилди, аёлнинг қўлини олиб, узоқ ўпиб турди. Аёл унинг оқара бошлаган сочига лабини тегизиб, оҳиста сўзлади:

— Соғ бўл, жонгинам. Мени ёмонлик билан эслама.

Мужик катта йўлдан отини йўрттириб, аравасини тақирлатганча жўнади. Стрешнев оти бошини буриб, йўлсиз — анғиз оралаб орқага қайтди. Ит олтинсимон далалар оралаб уни узоқдан кузатиб борарди. Стрешнев ҳар замонда тўхтаб, қамчинини кўрсатиб пўписа қиларди. Ит ҳам тўхтаб, чўнқаярди-да, гўё: «Қаерга бораман энди?»— деб сўрагандай бўларди. Отлиқ йўлга тушиши билан ит ҳам оҳиста йўртиб, унинг ортидан эргашарди. Стрешнев узоқдаги станция, ялтираб турган темир йўл излари, олисга йўл олган поезднинг тутуни ҳақида ўйларди...

Стрешнев эниб бораётган тап-тақир, ҳар ер-ҳар ери тошлоқ яйлов деярли иссиқ эди. Мовий ва мусаффо осмонли куз кuni сокин кечарди. Очиқ далалар устида, сойлар устида, бутун улкан рус дашти устида улуғвор сукунат ҳоким эди. Қушқўнмас барглариға, қуриб қолган қариқиз қилтиқлариға ўрашган мезон-пахта ҳавода оҳиста сузиб юрарди. Қариқизларға саъвалар қўниб олганди. Улар кунбўйи шундай ўтирадилар, фақат ҳар замонда у бутадан-бу бутага учиб қўнадилар, ўзларининг тинч, гўзал, эҳтимолки, бахтли ҳаётларини шундай ўтказадилар.

Қанри. 3. XII. 1912.

ҚАРҒА

Менинг отам қарғага ўшарди. Бу фикр болалик пайтимдаёқ миямга келганди. Бир куни «Нива»да бир сурат кўриб қолгандим: қандайдир қоя устида буғи терисидан тикилган оппоқ чолвор, қўнжи калта қора этик кийиб олган Наполеон турарди. Шунда Богдановнинг «Қутб саёҳатлари»даги суратлари эсимга тушиб, беихтиёр кулиб юборгандим. Чунки Наполеон менга пингвинга ўхшаб кўринган эди. Кейинроқ ўзимча хафа бўлиб, отам қарғага ўхшайди-ку, деб ўйлагандим...

Отам ўзимизнинг губернамиздаги шаҳарда баланд мансабни эгаллаб турарди. Ана шу мансаб уни баттар бузган эди. Менимча, отам мансуб бўлган мансабдорлар жамоатида ундан одамовироқ, ундан бадқовоқроқ, индамасликда, секин гапиришда ва хатти-ҳаракатда ундан совуқ ва тошбағир одам йўқ эди. У ўрта бўйли, миқти гавдали, қомати бир оз эгнк, дагал қора сочили, соқол-мурти ҳамиша тозаланиб юрадиган қора юзи чўзиқ, бурни каттакон, кўриниши чиндан ҳам қарғанинг ўзгинаси эди. Айниқса губернаторимизнинг хотини томонидан уюштириладиган хайр-эҳсон кечаларида у қора фрак кийиб, русча кулба кўринишидаги қандайдир дўконча ёнида эгилган кўйи катта бошини қарғадек уёқ-буёққа айлантириб, танаси эса қилт этмай турган, қарғаникидек ялтироқ кўзларини қиялатиб рақсга ту-

шаётганларга, дўконча олдиға келәётганларга, ҳатто бриллиантга беланган қўлларни билан япалоқ қадаҳда сарғиш тусли арзонгина шампан виносини мафтункор табассум-ла узатаётган бойвуччаға тикилган пайтларида қарғаға жуда-жуда ўхшаб кетарди. Эғниға кимхоб кийган, бошиға кокошник¹ қўндирган бу гавдали хотиннинг роса упа чаплаганидан оқ-пуштиранг тус олган бурни худди ясамаға ўхшарди. Отам анча йиллар аввал бева қолган бўлиб, биз, унинг болалари бор-йўғи иккитагина эдик: мен ва синглим Лиля. Олди тарафи черков билан бош кўча ўртасидаги теракзор хиёбонға қараган, ҳукуматға қарашли биолардан бирининг иккинчи қаватидаги бизнинг уйимиз кенг ва катта эди. Ойнадек тоза хоналари шавқсиз ва бўм-бўш ярқираб турарди. Толеимға, мен ярим йилдан кўпроқ Москвада яшадим. Катковский лицейида ўқидим, фақат ҳайит кунлари ва ёзғи таътилда уйға келардим. Бироқ, ўша йили уйда мен ҳеч кутилмаган манзараға дуч келдим.

Ўша йили баҳорда лицейни тамомлаб, Москвадан қайтдим-у, ҳайратда қолдим; нақадар руҳсиз кўринадиган аввалғи уйимиз бирданиға қуёшдек ярқираб кетган эди — саккиз ёшли Лилянинг энағаси, узун бўйли ва япалоқ, ўрта асрларда ясалган авлиёлар ҳайкалиға ўхшаб кетадиган кампирнинг ўрниға келган ёш ва чаққонгина қизнинг пайдо бўлиши ҳаммаёқни яшнатиб юборган эди. Отамнинг идорасидаги кичик хизматкорлардан бирининг фарзанди бўлган бечора қиз ўша кунларда гимназиядан кейин шундай яхши ишға ўрнашиб олганидан, сўнгра менинг келишимдан (уйда ўзига тенгдош ўспириннинг пайдо бўлганидан) чексиз хурсанд эди. Бироқ у отамдан шунчалик қўрқар ва ҳадиксирар эдики, дабдабали тановул пайтларимизда ҳам қора кўзли, камгап, гўё ҳамиша ниманидир кутаётган

¹ Шимолий Россияда деҳқон аёллар киядиган бош қийими.

ва қоп-қора бошчасини одамнинг жиғига тегадиган даражада қимирлатаверади, фақат ўзининг ҳаракатлари билан эмас, ҳатто жим ўтириши билан ҳам инжиқлигини билдириб турадиган Лиляни ҳар дақиқада хавотирлик билан кузатарди. Овқат маҳали отам бамисоли бошқа одамга айланиб қоларди: тўқима қўлқоп кийиб олган Гурий чолга овқат келтирганида олайиб қарамасди, дам-бадам нимадир тўғрисида сўзлар, сўзлаганда ҳам ошиқмай, лекин фақат қизга қараб, албатта, такаллуф билан унинг исми ва отасининг исмини атаб: «Муҳтарама Елена Николаевна», дерди. Ҳатто кулимсирашга, ҳазиллашишга уринарди. Қиз уялиб, аянчли кулимсираш билан жавоб қайтарар, нозик ва мулоким юзи хол-хол бўлиб қизариб кетарди. Ориқдан келган, малла сочли навқирон қизнинг ҳароратли тердан қўлтиғи хиёлгина қорайган юпқа оқ блузка'си остидан жажжи кўкраги аранг сезилиб турарди. У овқат маҳали менга қарашга ботинолмасди. Бу ерда мен унинг учун отамдан ҳам кўрқинчли эдим. Бироқ у қанчалик менга қарамасликка уринса, отам мен томонга қараб шунчалик совуқ хўмрайиб қўярди. Менга қарамаслик, отамга қулоқ солиш ҳамда, гарчи камгап бўлса ҳам, сержаҳл ва жонсарақ Лиляни кузатиб туришдек изтиробли уриниш замирида бошқача бир қўрқув — бир-биримиз билан ёпма-ён бўлишдек умумий бахтиёрлигимиздан ҳадиксирашдек қувончли қўрқув яширинганини фақат отамгина эмас, ўзим ҳам билар, сезар эдим. Кеч-қурунлари отам ҳамиша ўз машғулоти давомида чой ичарди. Авваллари чети олтин ҳалли катта пиёлада кабинетдаги ёзув столига чой қўйиб чиқишарди. Энди у чойни биз билан ошхонада ичадиган бўлди, самовар ёнида ҳалиги қиз ўтирарди. Лиля эса бу пайтда ухлаб қоларди.

Отам кабинетдан қизил астарли узун ва кенг тужур-

¹ Юбка билан кийиладиган калта кўйлак.

ка камзул кийиб чиқади-да, ўз креслосига ўтириб, пиёласини қизга узатади. Қиз, отамнинг таъбига кўра пиёлага лиммо-лим чой қуйиб, қўллари титраганча унга узатади. Кейин мен билан ўзига қуяди-да, киприкларини пастга эгиб бирорта чеварлик иши билан машғул бўлади. Отам эса, шошмасдан сўз бошлайди, қизга жуда ғалати гапларни уқтиришга тушади:

— Муҳтарама Елена Николаевна, малла сочли оқ хонимларга қора ёки оч-қизил рангли мато ярашади... Мана, масалан, сизга ҳалигидай, майда брильянтлар қадалган, Мария Стюартга муносиб тик, кунгура ёқали атлас бениҳоя ярашармиди дейман-да... Ёки лоларанг бахмалдан ўрта асрларда кийиладиган кичкина ўйма ёқали кўйлак тиктирилса, ёқутдан қилинган кичкина бут қадаб қўйилса... Тўқ-ҳаворанг лион бахмалидан тикланган пўстинча билан веницианча берет ҳам сизга жуда ярашарди-да... Булар ҳаммаси, албатта, орзу,— дерди у кулимсираб.— Отангиз биздан бор-йўғи етмиш беш сўм ойлик олади, фарзандлари эса, сиздан бошқа яна беш жон, ҳаммаси бир-биридан кичик. Демак, эҳтимол сиз бутун умр камбағалликда яшарсиз. Аниқроқ айтсак, орзуга айб йўқ. Орзу-ниятлар одамни ғайратлантиради, унга қувват ва умид бағишлайди. Сўнгра, айрим ниятлар бирдан ушаладиган ҳоллар бўлмайди, деб ўйлайсизми? Албатта бунақаси жуда камдан-кам бўлади, аммо кам бўлса ҳам учрайди... Мана, яқинда Курск вокзалидаги ошпаз ютуқли билет бўйича икки юз минг сўм ютди. Ҳа, оддий ошпаз!

Қиз бу гаиларнинг ҳаммасини оддий ҳазил деб қабул қилаётгандек кўринишга уринар, отамга кулимсираб қарашга ўзини мажбур этарди. Мен бўлсам, гўё ҳеч нарса эшитмаётгандек, «Наполеон» картасини чийлар эдим. Бир куни отам гапни тагдарроқ қилиб олиб қолди. У мен тарафга ишора қилиб деди:

— Мана бу йиғитчанинг ҳам, эҳтимол, орзулари бор. Отажони бир куни ўлади-ю, унинг товуклари олтин

тухум туғади! Товуқлари олтин туғмайди, чунки туғадиган олтиннинг ўзи йўқ. Отажонининг, ростдан ҳам унча-мунча давлати бор,— масалан, Самара губернасида минг ботмонлик қоратупроқ мулкчаси бор,— фақат уннинг ўғилгинага тегиши гумон, чунки у ўзининг отажопига унчалик меҳр-шафқат билан қарамайди. Билишимча, бу кишим учига чиққан исрофгар бўлади-ёв.

Мен учун сира ҳам эсдан чиқмайдиган бу суҳбат авлиё Пётр ҳайити арафаси кун иккунга бўлганди. Эртасига эрталаб отам жомега жўнади, жомедан чиқиб, туғилган кунни нишонлаётган губернаторниқига нонуштага кетибди. У бунингсиз ҳам бегим кунлари уйда ҳеч қачон нонушта қилмас эди. Шу сабабли ўша кун биз уч киши нонуштага ўтирдик. Нонушта охирида қолганида Лиляга ўзи яхши қўрган қуштили печеньеси ўрнига олча кисели берилди. Шунда у Гурний чолга қараб қичқира бошлади, столни қўлчалари билан уриб, тақсимчани тушириб юборди, бошини силкитиб, дод деб йнглайвериб энтиқиб қолди. Биз бир амаллаб уни ўз хонасига олиб кирдик. У тепиниб-юлқинар, қўлларимизни тишларди. Уни ялиниб-ёлвориб овута бошладик, ошпазни таъзирини берамиз, деб ваъда берган бўлдик. Шундан кейингина у тинчланди, сўнгра ухлаб қолди. Ҳатто шу дақнақаларнинг ўзида, яъни Лиляни ҳамкорликда уйга олиб киришда қўлларимизнинг бири-бирига тегиб кетишида қанчалик ҳаяжону илиқ меҳр бор эди! Ташқарида ёмғир шовулларди, қоронғилашаётган хоналарни баъзан момақалдироқ ёритиб ўтарди, гумбуллаш овозидан деразалар зириллаб кетарди.

— Унга момақалдироқ таъсир қилди шекилли,— деди у қувонч билан шивирлаб коридорга чиққанимизда, кейин бирдан ҳушёр тортиб:— О, қаердадир ёнгин чиқибди!— деди.

Биз ошхонага югуриб кирдик-да, деразани очиб юбордик. Шундоқ ёнгинамиздан, хиёбон бўйлаб ўт ўчириш командаси тарақа-туруқлатиб ўтиб борарди. Те-

раклар устига шовуллаб жала қуйиларди: момақалди-роқ тинган, гўё жала уни ўчириб қўйгандек эди. Шланг ва нарвонларни ушлаб олган мнс дубулгали ўт ўчирувчилар тикка турган араваларнинг сурункали тақир-туқури, дўғалардаги қўнғироқларнинг аравага қўшилган қоп-қора отлар ёли устида жиринглаши, тош йўлда лўкиллаб бораётган отлар туёғи дупури ичра карнайчи бурғисининг майин, шўхчан, эҳтиёткорликка чақирувчи садоси эшитилар эди... Сўнгра Лавидаги Иван Воин қўнғироғи устма-уст бонг урди... Биз ёмғир ва шаҳарнинг нам чанглари уфуриб турган дераза олдида бир-биримизга яқин — ёнма-ён турардик. Гўё зўр ҳаяжону эътибор билан узоқларга тикилар ва узоқларга қулоқ тутардик. Кейин қандайдир каттакон қизил баклар ортилган охирги аравалар липиллаб бурилиб кетди-ю, юрагим зарб билан ура бошлади, пешонам совқотгандек бўлди. Мен қизнинг икки ёнида теккина осилиб турган қўлларини ушладим-да, ўтинч билан ёноқларига тикилдим. Қиз оқара бошлади, лаблари хиёл очилди, нафас олганида кўкраги кўтарилиб тушарди, у ҳам ёрқин, ёшли кўзларини ўтинч билан менга ўгирди, мен эса унинг елкасидан ушладим-да, ҳаётимда биринчи марта қизнинг муздаккина лабларига лабларимни қовуштирдим... Шундан кейин бирор кун бизнинг соат сайин учрашувларимизсиз ўтмади. Биз гўёки тасодифан гоҳ меҳмонхонада, гоҳ залда, гоҳ коридорда, ҳатто фақат кечқурунлари уйга қайтадиган отамнинг кабинетиде ҳам учрашиб қолардик ва жон-жаҳдимиз билан, тап тортмай, узоқ, тўймасдан ўпишардик. Отам, ниманидир сезиб, яна кечқурунлари чой ичгани ошхонага чиқмай қўйди, яна индамас ва хафақон бўлиб қолди. Бироқ биз бу ҳолга аҳамият бермас эдик. Қиз ҳам овқат маҳали ўзини хотиржам ва жиддий тута бошлади.

Июль ойлари бошларида Лиля малипани кўп еб касалланиб ётиб қолди. У ўз хонасида ётар ва аста-секин тузала борар, доскага ёпиштирилган улкан қогоз ва-

рақларига рангли қаламлар билан қандайдир эртактаги шаҳарларнинг расмини чизарди. Уйимиздаги қиз эса, мажбуран унинг олдидан кетмас, Лилянинг каравоти ёнида ўзига малороссияча кўйлак тўқиб ўтирарди. Бу ердан унинг бир қадам ҳам жилиши мумкин эмасди: Лиля ҳар дақиқада бирор нарса сўраб турарди.

Мен эса бўм-бўш ва сокин уйда уни кўриш, ўпиш, бағримга босиш иштиёқида азобланардим. Отамнинг кабинетида ўтириб, китоб жавонларидан қўлимга нима илинса олиб, зўрма-зўраки ўқишга тутинардим. Уша куни кечқурун ҳам шу тахлитда ўтирган эдим. Бирдан қизнинг енгил ва тез-тез шипиллаган одим шарпаси эшитилди. Мен китобни қўйиб, ўрнимдан ирғиб турдим.

— Ҳа, ухладими?

У қўлини силкитиб жавоб берди:

— Қаёқда! Сен билмайсан — у икки кечаю икки кундуз ухламаслиги мумкин, бошқаларнинг жинни бўлгани билан нима иши бор! Отамнинг аллақанақа сариқ ва пушти қаламларини топиб кел, деб мени ҳайдаб чиқарди...

У шундай деб туриб йиғлаб юборди, ёнимга келиб, бошини кўксимга қўйди:

— Э худо, қачонгача шундай юрамиз! Мени яхши кўришингни отангга айтсанг бўлмайдим ахир, дунёда ҳеч нарса бизни ажратолмайди, демайсанми!

У ёш билан ювилган юзини кўтариб, ҳаяжон-ла мени қучди-да, тинимсиз ўпаверди. Мен уни маҳкам бағримга босиб, диван тарафга тортдим. Бундай дақиқаларда бирор ўй, эҳтиёткорлик хаёлга келармиди? Бироқ кабинет остонасида енгилгина йўталиш эшитилди: мен қизнинг елкаси оша назар ташладим,— отам таққа тўхтаб, бизга қараб турарди. Сўнгра ортига бурилди-да, букчайганича узоқлашди.

Туш маҳали ҳеч қайсимиз овқатланишга чиқмадик. Кечқурун Гурий чол эшик тақиллатди: «Отангиз бир кириб кетсин, деяптилар». Мен кабинетга кирдим. У

ёзув столи олдидаги креслода ўтирган экан, менга қарамадан сўзлай бошлади:

— Эртага сен Самарадаги қишлоғимга жўнайсан. Ёз бўйи ўша ерда бўласан. Кузда Москва ёки Петербургга бориб, ўзингга хизмат қиладиган жой қидир. Агар гапимга кирмасликка журъат қиладиган бўлсанг, сени меросдан бутунлай маҳрум этаман. Яна шуни билиб қўй: эртанинг ўзидаёқ губернаторга учраб, тезлик билан соқчилар қуршовида қишлоққа юборишни илтимос қиламан. Энди туёғингни шиқиллат, бўлак кўзимга кўринма. Кира ҳақи ва айрим харажатлар учун эртага эрталаб пул олиб киришади. Кузга яқин қишлоқдаги идорамга хат ёзиб, пойтахтда бирмунча муҳлат яшашигга маблағ беришларини айтаман. Кетгунингча қизни кўришдан умид қилма. Гап тамом, отанг ўргилсин. Қетавер.

Шу куни тундаёқ Ярослав губернасига — лицейдош ўртоқларимдан бирининг қишлоғига жўнадим. Кузгача ўша ерда яшадим. Кузда Петербургга бориб, ўртоғимнинг отаси ёрдамида ташқи ишлар министрлигига жойлашдим ва отамга хат ёзиб, унинг меросидан бутунлай воз кечибгина қолмай, умуман ҳар қанақа ёрдамдан ҳам воз кечганимни билдирдим.

Қишда отамнинг ўз хизмат жойини тарк этиб, унинг ҳам Петербургга келиб қолганини эшитдим. «Ниҳоятда кўркам, ёшгина хотини билан кўчиб келди», дейишди менга.

Бир куни кечқурун Мариинский театрининг партерида ўтириб, парда очилишидан бир неча дақиқа аввал бирданига отам билан Еленани кўриб қолдим. Улар сахна ёнидаги ложада, устига садаф дурбин ётган тўсиқ ёнгинасида ўтиришарди. Олди этаги калта сюртук-фрак кийиб олган отам худди қаргадек, сал букчайиб, бир кўзини қисиб, программани диққат билан ўқирди. Олтинранг сочларини баланд қилиб турмаклаган Елена эса, қадди-қоматини тик тутиб, енгилгина ўтирар,

атрофига — ёниб турган қандиллардан исиган, салгина ғовур-ғувур билан жонланган, одамлар билан тўлаётган партерга, аёллар кийиб келишадиган кечки кўйлақларга, ложаларга кириб келаётган фрак ва мундирларга қизиқиб тикиларди. Унинг бўйнида ёқут бут нақ алангаланиб ёнар, нозик, аммо хиёл тўлиша бошлаган қўллари очиқ, енгсиз, доларанг бахмал кўйлагининг чап елка боғичига ҳам ёқут кўзли тўғнағич қадаб қўйилган эди...

18.5.44

САН-ФРАНСИСКОЛИК ЖАНОБ

Сан-францисколик жаноб — унинг исмини на Неаполда, на Каприда ҳеч ким эслаб қолмаган — хотини ва қизи билан Кўҳна Дунёга нақ икки йилга, фақатгина кўнгил очиш учун кетаётганди.

У дам олишга, кайф-сафо қилишга, яъни том маънодаги ҳузур-ҳаловатли саёҳатга чиқишга тўла ҳуқуққа эгаллигига қатъий ишонарди. Бундай ишончга унинг барча асоси бўлиб, биринчидан, бадавлат эди, иккинчидан эса, эллик саккиз ёшни уриб қўйгачгина ҳаёт неъматларидан лаззатланишга аҳд қилганди. Бунгача у номигагина яшаганди, тўғри, жудаям ҳалигиндай бечораҳол эмас-у, лекин ҳар ҳолда ҳамма умидини келажакка боғлаганди. У тиним билмай ишлади,— у қора иш учун ёллаган минглаб хитойлар бунинг асил моҳиятини жуда яхши билардилар!— ниҳоят кўп нарсага эришганлигини, шунингдек бир вақтлар ўзига намуна қилиб олган одамларига деярли тенглаша олганини кўриб, нафас ростлашга қарор берди. У маисуб бўлган табақадаги одамлар ҳаёт лаззатини татишни Европа, Ҳиндистон, Мисрга саёҳатга чиқишдан бошлашни одат қилишганди. У ҳам худди шундай қилишни дилига тугди. Албатта, у машаққатли меҳнати эвазига энг аввало ўзини тақдирламоқчи эди; аммо-лекин хотини билан қизисиз саёҳат татирмиди. Унинг хотини ортиқча таъ-

сирчанлик билан ажралиб турмасди-ю, лекин барча америкалик аёллар кексайганларида саёҳат қилишга ўлгудек ружу қўйишади. Қизига келсак, бўйи етиб қолган, бунинг устига касалмандроқ бўлгани учун унга саёҳат сув билан ҳаводек зарур эди: соғлиғига фойдаси тегишини айтмаган чоғда ҳам, ҳар қалай саёҳат вақтида бахтли учрашувлар ҳам бўлиб қолиши мумкин-ку, ахир? Баъзида бирор осори атиқани миллиардер билан ёнма-ён томоша қилишинг ҳам ҳеч гап эмас.

Маршрут сан-францисколик жаноб томонидан кенг кўламли қилиб ишлаб чиқилганди. Декабръ билан январда у Жанубий Италия қуёшида роҳатланишни, қадимий осори атиқалар, сайёр қўшиқчиларнинг ишқий ашулаларию тарантелла рақслари, шунингдек, айтарли беғараз бўлмаса ҳам, ғунчадек неаполитанкаларнинг севгисига сазовор бўлишни; карнавални Ниццеда ўтказишни ният қилганди, Монте-Карлога одатда бу вақтда жамиятнинг гуллари йнгиларди, бу ерда уларнинг баъзилари жон-жаҳдлари билан автомобиль ва елканлик қайиқ пойгаларига муккаларидан кетишар, бошқалари қимор ўйнашар, учинчилари эса ошиқ-маъшуқлик қилишар, тўртинчилари — чаман-чаман бўтакўз гулзорлари бағридан, фирузаранг майсазор боглардан чарх уриб, париллаб кўтариладиган каптарларни отишарди, у бечоралар шу заҳотиёқ оппоқ кесакдай ерга тапиллаб тушардилар; мартнинг бошини у Флоренцияга бағишламоқчи, шунингдек, Римда худованди каримга тавбатазарру қилиб, *Miserere*¹ ни тингламоқчи эди; бинобарин, унинг режасига Венеция, Парижга бориш, Севильедаги буқалар жангини кўриш, инглиз оролларида чўмилиш, Афина, Истамбул, Фаластин, Миср, ҳатто Японияни — албатта қайтишда — зиёрат қилиш кирарди... Аввалига ҳаммаси худди у ўйлагандек бошланди.

¹ «Раҳм қил».

Ноябрнинг охирлари эди, нақ Гибралтаргача гоҳ изғиринли туманда, гоҳ қорбўронда сузишга тўғри келди; шунга қарамай саёҳат муваффақиятли давом этмоқда эди. Йўловчиларнинг сон-саногии йўқ эди, кема — маълум ва машҳур «Атлантида» — барча қулайликлари мавжуд улкан отелга ўхшарди, тунги майхонаю шарқона ҳаммомгача бор эди, ҳатто шахсий газета ҳам чоп этиларди — ундаги ҳаёт деярли бир меъёрда ўтарди; туманда оғир тўлқинланаётган оч-кўкимтир сув яланглиги узра эринчоқлик ва илтифотсизлик билан тонг бўзараётган паллада, йўлақлар аро карнайнинг жарангдор садолари остида туришарди; эгниларига пахмоқ пижама кийиб, қаҳва, шоколад, какао ичишарди, кейин мрамр ваннага тушиб, иштаҳа очиш ва кайфиятларини кўтариш учун гимнастика билан шуғулланишар, ўзларига оро бериб, эрталабки нонуштага боришарди, соат ўн биргача ё океаннинг совуқ, соф ҳавосидан шимирганча палубада айланиб юришар, ёки шеффль-борд, ёки бошқа иштаҳа очар ўйинлар ўйналарди, соат ўн бирда эса — бутерброду қуруқ шўрва тановул қилишарди; нафслари ором олгач, мамнуният билан газета ўқишар ва осойишта ҳолда биринчи нонуштани кутишарди; кейинги икки соат дам олишга багишланарди, бу вақтда бутун палуба узун тебранувчи тўқима креслоларга тўлиб кетарди, уларда саёҳатчилар жун рўмолларга ўралганча бадқовоқ осмонни, кема ортида жимирлаб қолаётган кўприкларни томоша қилишар ёки маза қилиб мизгишарди; соат бешда эса соф ҳавода тетиклашиб, қувноқ тортиб қолган мижозларни хушбўй, хуштаъм чой ҳамда печенье билан сийлашарди; еттида карнай чалиб улкан отелнинг барча мижозларини саёҳатнинг олий мақсади, унинг гултожига чорлашарди... Мана шунда сан-францисколик жаноб ғайрати жўшиб қўлларини ишқалаганча ўзининг ҳашамдор кабинасига кийиниш учун йўналарди.

Кечқурунлари «Атлантида»нинг қаватлари зулмат

ичра оловли нур сочиб порлаб турар ва сон-саноксиз хизматкорлар ошхона, идиш-товоқ ювиладиган хоналарда, шароб сақланадиган тағхоналарда қўллари-қўлларига тегмай ишлашарди. Девор ортидаги океан даҳшатли эди, лекин у ҳақда ўйлашмасди, чунки денгиз ҳукмрон — баҳайбат гавдали ва тўладан келган малла одам — доим уйқусираганга ўхшаб юрадиган, энли зарҳал унвон белгиси бор мундирда ҳайбатли маъбудга ўхшаб кетадиган ва ўзининг сирли оромгоҳидан онда-сондагина одамлар орасига чиқадиған командирга қатъий ишонишарди, бак¹да дақиқа сайин бағоят мунгли ва қаҳру ғазаб билан сирена увилларди, лекин бу овозни овқатланаётганлардан баъзиларининггина қулоқлари илғарди — уни шамалоқдай ёритилган залда бетўхтов ҳамда назокат-ла ўйнаётган торли чолғу оркестрининг садолари босиб кетарди, худди байрамлардагидек ёритилган, шнак гиламлар тўшалган зал декольте² кийган хонимлару фрак ҳамда смокинг³ли эркаклар билан тўлган, қадли-қомати келишган хизматкорлар ҳамда одобли метрдотел⁴лар хизматда эдилар, уларнинг орасидан биттаси, яъни фақатгина шаробга буюртма олувчиси худди лорд-мэрдек ҳатто бўйинга занжир осиб юарди. Смокинг ҳамда оҳорланган кўйлаги сан-францисколик жанобни анча ёш кўрсатарди. У қотма, ўрта бўйли, бесўнақай, лекин зуваласи нишиқ бўлиб, мазкур олтину жавоҳирдай кўзини қамаштиргувчи қасрда қаҳрабон тусли вило, позик шишадан қилинган бокал ва бокалчалар қўйилган столда, жингала сумбул гулдаста ортида ўтирарди. Кузалган кумушранг соқолли сариқ юзида мўғулларга ўхшашлик бўлиб, унинг йирик тилла тишлари ярқираб турар, ярғоқ боши эса худди фил суягига ўхшаб йилтилларди. Гавдали, семиз ва ювош хотини ҳа-

¹ Бак — кемада юқори палубанинг тумшук қисми (тарж. изоҳи).

² Декольте — аёлларнинг чуқур ўйма ёқали кўйлаги.

³ Смокинг — қайтарма шойи ёқали узун қора мовут камзул.

⁴ Метрдотель — бош официант.

шамдор, лекин ёшига монанд кийинганди. Нозик ниҳол, бағоят кўркем сочлари чиройли қилиб турмакланган, ғайритабиий бинафша бўйидек хушбўй исли ҳамда таърифига тил ожиз латофат касб этган, чиройли лаби теграси ва кураги ўртасидаги пушти ранг ҳуснбузарни билинар-билинмас упаланган қизлари бир қараганда, мураккаб, аммо-лекин енгил ва шаффоф, шунингдек бокираллик чегарасидан чиқмаган ҳолда кийинганди... Овқат бир соатдан ортиқ давом этарди, овқатдан кейин эса бал залида рақс кечаси бошланарди, танца вақтида эркеклар — шу жумладан, албатта, сан-францисколик жаноб ҳам — оёқларини чапиштириб ўтириб олиб, сўнгги биржа янгиликларига асосланган ҳолда халқлар қисматини ҳал қилишар, юзлари қип-қизаргунча гавана сигаралари чекишар ва қизил камзул кийган, арчилган тухумга ўхшаш ошпоқ тишли негрлар хизмат кўрсатаётган барда ликёр ичиб кўнглиларини хушлардилар. Океан девор ортида қоп-қора тўлқинлари-ла шовуллар, арқонлари бамисоли тор янглиғ кема бўрон ҳамда тўлқинларга бас келиш мақсадида қалтираб-титраб — худди омов мисол уларнинг мавжланиб турувчи, дам-бадам дарғазаб бўлиб кўкка сапчувчи кўпикли ўркач-ўркач тўлқинларини тилишлаб борар, туман бўғиб қўяёзган сирена ғам-алам-ла инграр, кузатиш минорасида совуқдан қотиб турган навбатчилар диққат билан, зўриқиб тикилишдан бошларни айлангудек бўларди. Кеманинг энг сўнгги қавати — сув ости қисми — жаҳаннамдек қоп-қоронғи ва тандир-мисол иссиқ бўлиб — бу ерда, баҳайбат оташхона бўғиқ гувиллар, аланга яллигидан қип-қизариб кетган, ярим белигача яланғоч бўлиб олган одамларнинг аччиқ ва ифлос терлари томган тошқўмир уюмларини, худди девсимон, кўрдим демай ютиб юборарди, бу ерда, барда эса оёқларини кресло суяниғига бепарво ташлаганча коньяк ва ликёрни эрмак қилишарди, танца залида эса ҳамма нарса чароғон ялтирар, самимият ва қу-

вонч ҳукм сураб, жуфтлар гоҳ вальс садолари остида чирпирак бўлиб айланишар, гоҳ тангога монанд эгилиб-букилишарди — куй эса қатъият ҳамда шаҳвоний ҳаёсизлик билан фақат бир нарсга ҳақида, ҳамон ўша ҳақда илтижо қиларди, холос... Бу ола-чалпоқ оломон ичида соқол-мўйлови тарашланган, узун бўйли, урфдан қолган фрак кийиб олган қандайдир олинасаб бой ҳам, машҳур испан ёзувчиси ҳам, ҳаммага маълум ва машҳур соҳибжамол аёл ҳам, шунингдек, ўз бахтини кўз-кўз қилиб ҳамманинг ҳавасини келтираётган ғоят назокатли севишган жуфт ҳам бор эди: йигит фақат ўз севгилисига билан рақс тушар ва уларнинг ҳамма ҳаракатлари шу қадар латофатли, мафтункор чиқардики, бу жуфт Ллойд томонидан ошиқ-маъшуқлик ўйини учун мўмайгина пулга ёлланганлигини ва уларнинг анчадан бери гоҳ у, гоҳ бу кемада мазкур машғулоти билан шуғулланишларини фақат кема командиригина биларди.

Гибралтарда қуёш ҳамманинг дилини хушнуд қилди, нақ эрта баҳорнинг иси келиб қолганди; «Атлантида»да эса янги йўловчи пайдо бўлиб, у шу заҳотиёқ умум диққатини жалб қилди. Осиё давлатларидан бирининг валиаҳд шаҳзодаси, сохта исм билан сафар қилаётган, жиккаккина, тунд, кулча юзли, қийиқ кўзли, тилла кўзойнак таққан, бирмунча ёқимсиз — яъни сийрак шопмўйлови худди мурданинг мўйидек диккайиб турарди, лекин умуман олганда ёқимтой, соддапўрим ва камтар йигит эди. Ўрта денгизга кирилганда яна қишнинг иси келиб қолди, йирик ва ола-чипор, худди товуснинг думига ўхшаш тўлқин бостириб келаверди, уни ёрқин шуъла ва шаффоф осмон тарҳида, шўх-шодон ва шиддат-ла елаётган трамантана чил-парчин қилиб юборди... Кейин, иккинчи куни, осмон оқариб, уфқ хиралаша бошлади: ер яқинлашиб, Иския билан Капри кўринди, дурбинда пойига қандайдир худди чақмоқ қандга ўхшаш кўкимтир нарсалар сочилган Неаполь кўзга ташланарди... Кўпгина хоним ва жентльменлар эгниларига

енгил, сиртига мўйна сирилган почапўстин кийиб олишганди; итоатгўй, доим шивирлаб гаплашадиган хитой дастёр болалар, қийшиқ оёқ, узун қоп-қора сочли ва худди қизларникидек қуюқ киприкли ўсмирлар аста-секин пиллапояга жун рўмоллар, ҳассалар, чамадонлар, ҳамда қутичаларни олиб чиқа бошладилар... Сан-францисколик жанобнинг қизи палубада шаҳзода билан ёнма-ён турарди, у кеча кечқурун бахтли тасодиф орқасида валиаҳд билан танишиш шарафига ноил бўлганди, ниманидир тушунтириб, ниманидир шоша-пиша ва оҳиста ҳикоя қилганча ўзини шаҳзода кўрсатаётган олисларга диққат билан тикилаётгандай қилиб кўрсатарди; шаҳзода бўйи пастлиги учун бошқалар ўртасида ёш болага ўхшаб кўринарди, боз устига, у кўримсиз ва ғалати эди,— кўзойнак тақиб, котелок¹ ва инглизча пальто кийиб олган, сийрак мўйлови худди отнинг думига ўхшаб диккайган, япалоқ юзининг қорача юлқа териси худди сириб тортилган ва салгина локланганга ўхшарди,— қиз унга қулоқ соларди-ю, лекин ҳаяжондан нима деяётганига тушунмасди; қизнинг юраги номаълум ҳаяжон заптида қаттиқ урарди: шаҳзоданинг ҳамма, ҳамма нарсаси бошқаларникига ўхшамасди,— унинг ориқ қўли, остида кўҳна шоҳона қон оқаётган соф териси, ҳатто европача, оддийгина, шу билан бирга ниҳоятда покиза энгил-боши ўзида таърифига тил ожиз мафтункорликни пинҳон тутганди. Ялтироқ ботинка, кулранг қўнж кийган сан-францисколик жанобнинг ўзи эса ёнида турган — машҳур, баланд бўйли, қадди-қомати ажабтовур келишган, Парижда урф бўлган охирги расм бўйича киприкларини бўяган, кумуш занжирчали жажжигина, бўйни эгилган, жун тўкилиб кетган кучук болани кўтариб олиб, у билан гаплашаётган нозанинга дам-бадам қараб қўярди. Қизи эса қандайдир ноаниқ

¹ Котелок — эркакларнинг тепаси дўппига ўхшаш бош кийими (тарж. изоҳи).

хижолатбозликда ўзини кўриб кўрмаганликка со-
ларди.

Сан-францисколик жаноб сафарга чиққанда анча-
йин хотамтой бўлиб қоларди, шунинг учун ҳам барча
атрофидагиларнинг, яъни уни едириб-ичирадиган, эр-
талабдан кечгача хизматини қиладиган, унинг ҳар бир
хоҳишини сўзсиз адо этадиган, покизалиги ҳамда осо-
йишталигини таъминлайдиган, юklarини ташийдиган,
унинг учун ҳаммолларни чақирадиган, сандиқларини
меҳмонхонага ташпйидиганларнинг ғамхўр-меҳрибонли-
гига имони комил эди. Ҳамма жойда шундай бўлганди,
кема сафарида ҳам шу ҳол қайтарилди, энди Неаполда
ҳам худди шундай бўлиши лозим эди. Неаполь борган
сари катталашиб, яқинлашмоқда эди, музикачилар чол-
ғу асбобларини ялтиратганча аллақачон палубада тўп-
ланиб олишганди, бирдан тантанавор марш садоари-
ла қулоқни қоматга келтириб чалиб юбордилар, бай-
рам формасини кийиб олган баҳайбат командир ўз кўп-
рикчасида пайдо бўлди-да, марҳаматли мажусий таиғ-
риси янглиғ йўловчиларни олқишлаб қўлини силкиб
қўйди. Шунда сан-францисколик жанобга, худди бош-
қалар каби, магрур Америка марши ёлғиз унинг шара-
фига янграётгандек, командир муваффақиятли етиб кел-
гани билан уни қутлаётгандек бўлиб туюлди. «Атлан-
тида» ниҳоят бандаргоҳга кириб, кўп қаватли, одамлар
билан лиқ тўла баҳайбат танасп қирғоққа яқинлаб тўх-
тади, шунда тахта зиналар гумбурлаб кетди,— сон-са-
ноқсиз зар ёқали картуз кийган швейцар ва уларнинг
ёрдамчилари, беҳисоб турли-туман комиссионерлар,
ҳуштакбоз болакайлару норгул жулдурвоқилар қўлла-
рида даста-даста рангли откриткаларни тутиб, ўз хиз-
матларини таклиф қилганча кемага ёпирилдилар! У
шаҳзода ҳам тўхташи мумкин бўлган меҳмонхона авто-
мобили томон йўнала туриб жулдурвоқиларга ошкора
тиржаяр ва осойишталик билан тишлари орасидан гоҳ
инглизча, гоҳ итальянча:

— Go away!¹ Via!² дерди.

Неаполдаги ҳаёт ўша заҳотиёқ белгиланган тартибда оқа бошлади: тонг саҳарда — гира-шира смакхонада понушта, бадқовоқ, дилин хуфтон қилувчи осмон ва кираверишда, эшик олдидаги гидлар оломони; кейин илиқ пушти ранг қуёшнинг илк жилмайишию баланд балкондан Везувийни томоша қилиш, то этагигача ялтироқ тонгги буғ билан бурканган кўрфазнинг кумушсимон-марварид мавжлари ва Каприининг уфқдаги нафис тарҳини, пастда, қирғоқ бўйлаб ғизиллаб бораётган митти эшаклар қўшилган енгил арава ва музыка садолари остида бардам қадам ташлаб қаёққадир кетаётган митти солдатчалар отрядини томоша қилишарди. Кейин автомобилга тушиб, баҳайбат, кўп деразали уйлар орасидаги тор-танқис, зах, гавжум кўчалардан оҳиста ўтиб, ғайритабиий озода ва сип-силлиқ, ёқимли, лекин зерикарли, худди қор билан ёритилгандек нимқоронғи музейларни ва совуқ, мум ҳиди анқиб турган черковларни зиёрат қилишарди. Бинобарин, ҳамма черковларда ҳам бир хил манзара, маҳобатли эшикдан ўтилгач, тери парда орқали кириларди, ичкарида эса — улкан бўшлиқ, жимжитлик, еттишамлик шамдоннинг паст шуъласи, нафис тўр билан безатилган қизғиш минбар бўлиб, қоп-қора ёғоч парталар орасида якка-ёлғиз кампир ибодат қилиб ўтирарди. Оёқ остида эса сирпанчиқ қабр тошлари ва деворида кимнингдир, албатта машҳур, «Хочдан қутқарилиш» сурати соллинган бўларди. Соат бирда Сан-Мартини тоғида тушлик қилинарди, тушга яқин бу ерга жуда кўп олний табақага мансуб одамлар йиғиларди, бир куни сан-францисколик жанобнинг қизи сал бўлмаса ўзидан кетиб қолай деди. Уннинг назарида залда шаҳзода ўтирганга ўхшаб туюлди, бинобарин, у газеталардан шаҳзоданинг Римда экаплагини ўқиганди;

¹ Йўлдан қоч! (Ингл.)

² Йўлдан қоч! (Итал.)

соат бешда — меҳмонхонадаги гиламлар ва лангиллаб турган камин иситиб юборган, ҳашамдор салонда чой ичиларди; кейин эса яна кечки овқатга тайёргарлик — яна қўнғироқнинг кучли, ҳокимона овози барча қаватларда янграрди, яна пиллапоялар бўйлаб шойиларнинг шитирлашию ойналарда кўкрагигача очиқ кўйлак кийган хонимларнинг акси намоён бўларди, яна емакхонанинг эшиклари хуштавозелик билан ланг очилар, эстрадада эса қизил камзул кийган музикачилар машқ қилишар, бағоят усталик билан қуюқ, пушти ранг шўрва сузаётган метродотель атрофидаги қоп-қора малайларнинг югур-югури бошланарди. Кечки дастурхон турли хил таомлар, винолару минерал сувлар ҳамда ширинлигу ҳўл мевалар билан тўкин бўларди; натижада оқсочлар қўллари-қўлларига тегмай кечаси соат ўн бирларда деярли барча номерларга қоринга қўйиш учун иссиқ сув солинган каучук халталарни таший бошлардилар.

Бахтга қарши, декбарь унчалик яхши келмади: обҳаво ҳақида сўрашганда швейцарлар айбдорларча елка қисишар ва ҳаво бундай келган йилни эслолмасликларини мингиллашарди, ҳолбуки худонинг берган йили айнан шундай деб такрорлашар ва гап орасида «ҳозир ҳаммаёқда ҳам даҳшатли ўзгаришлар бўлаётганлигини» қистириб ўтишарди: Ривъерада кўз кўриб қулоқ эшитмаган шамолу бўронлар, Афинада қор, Этна ҳам қор кўрпасига бурканган, шунинг учун кечалари сутдек ёруғ бўлади; Палермода эса туристлар совуқдан қўрқиб жуфтакни ростлаяптилар... Эрталабки қуёш ҳар куни алдарди: тушдан кейин осмон муттасил тундлашиб ёмгир ёға бошлар ва тобора тезлашиб, совуқлашарди; шундай меҳмонхона эшиги тагидаги пальмалар худди тунукага ўхшаб ялтирар, шаҳар эса айниқса ифлос ва тор-танқис туюлар, музейлар ҳаддан ташқари бир хилдек, ёмғирпўшлари шамолда худди қанотдек ҳилпираб турадиган семиз извошчилар лабларига қистириб олган

сигара қолдиқларининг ҳиди чидаб бўлмас даражада сассиқ ва қилтириқ бўйин қирчанғиларини қистаб қамчи уришлари сохта, оёқларини судраб босувчи синьорларнинг пойафзали супуриб кетган трамвай излари даҳшатли, ёмғир остида қоп-қора сочли бошларини очиб, лой кечиб юрган аёллар беўхшов калтабақай туюларди; кўпикланаётган қирғоқдаи келаётган рутубат ҳамда чириган балиқнинг бадбўй ҳиди тўғрисида-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Сан-францисколик жаноб ва хоним эрталаблари жанжаллашадиган бўлиб қолдилар, қизлари эса гоҳ боши оғриб, ранги девор бўлиб юрар, гоҳ тетикланиб, ҳамма нарсадан завқланар ва натижада ҳам мулойим, ҳам гўзал бўлиб кетарди; томирида ғайриодатий қон оқаётган хунук киши билан учрашув натижасида қалбида уйғонган нафис ва мураккаб ҳиссиётларни ўзиёқ гўзал эди, аммо-лекин, пировард-натижада қиз қалбини айнан нима уйғотиши муҳим эмас-ку, яъни пул, шон-шуҳратми, шунингдек, иасл-насабнинг асилзодалигими, бу бари бир эмасми ахир... Ҳамма, Каприда, Соррентода бутунлай бошқача, деб ишонтирарди — у ер ҳам иссиқ, ҳам қуёшли, лимонлар ҳам гуллаган, одамлари ҳам ҳалолроқ, ҳатто виноси ҳам табиироқ. Шу боис сан-францисколик оила ўзининг ҳамма ашқол-дашқоллари билан Каприга жўнашга аҳд қилди, унп томоша қилиб, Тиверия саройлари олдидаги тош кўчаларда сайр қилиб, Ложувард горнинг афсонавий мафораларини кўриб, сўнг Рождество байрамидан бир ой олдин оролда Биби Марямни шарафлаб куйловчи абруцлик сайёр қўшнаychиларнинг қўшиқ ва куйларини мириқиб тинглаб, кейин Соррентога жойлашмоқчи бўлишди.

Жўнайдиган кунлари — сан-францисколик оила бир умр эсидан чиқармайдиган кун! — эрталабданоқ йилт этиб қуёш жамолини кўрсатмади. Қуюқ туман Везувийни ҳаттоки пойдеворигача яшириб турар, денгизнинг қўрғошиндай мавжлари узра осмон бўзариб паст-

лаб келмоқда эди. Қапир ороли бутунлай кўринмай қолганди — гўё бу ёруғ жаҳонда ҳеч қачон бўлмагандай. Мазкур оролга йўналган кемачани денгиз уёқдан-буёққа ўйинчоқдай чайқатаверганидан сан-францисколик оила ғарибгина кают-компаниядаги диванларда ер тишлаб, оёқларини жуп рўмолга ўраб, беҳудликдан кўзларини юмиб ётишарди. Миссис, ўзининг ўйлашича, ҳаммадан кўпроқ азоб чекарди; кўнгли бир неча марта беҳузур бўлди, ана шунда назарида худди ўлиб қолаётганга ўхшарди, тоғора кўтариб унга ёрдамга югуриб келган оқсоч эса — жазирама иссиқда ҳам, қаҳратон совуқда ҳам неча йиллардан бери кун-бакун тўлқинлар узра чайқалганча жанобларнинг хизматида бўларди — куларди, холос. Мисс эса мурдадек оқариб кетган, бир паррак лимонни тишлаб олганди. Кенг-мўл пальто ва катта картуз кийиб, чалқанчасига ётиб олган жаноб эса йўл бўйи жағини очмай келарди; унинг юзи унникиб кетганди, бундап мўйловни янада оқроқ кўринарди, боши эса қаттиқ оғрирди: кейинги кунларда ёмон ҳаво шарофати-ла жуда кўп ичар ва баъзан ишратхоналарда меъёридан ортиқча «жонли расмлар»дан лаззатланарди. Ёмғир эса дириллаётган ойнани савалар, ундан диванга оқиб тушар, шамол гувиллаганча мачталарни сипдириб юборгудек бўлар ва баъзида, бостириб келган тўлқин билан биргалашиб кемачани бутунлай ёнбошлатиб қўяр ва ана шунда пастда алланима тарақлаганча думаларди. Кастелламар ҳамда Соррентода тўхтаганларида бирмунча енгилроқ бўлди, лекин бу ерда ҳам кемача даҳшатли равишда силкиниб турди, қирғоқ ўзининг ўр-жарлари, бог-роглари, игнабаргли дарахтларини пушти ҳамда оппоқ рангдаги меҳмонхоналари, тутунли, қўнғир-кўк тоглари билан ойна ортида худди арғимчоқдек дам баланд, дам паст бўлиб тебраниб турарди: кемача деворларига қайиқлар урилар, учинчи классли йўловчилар жон-жаҳдлари ила томоқ йиртишар, қаердадир, нақ пачаги чиққандай, болакай бўғилиб йиғ-

лар, эшикдан нам шамол уриб турар, бу камлик қилгандай „Royal“ меҳмонхонаси байроғи тикилган, тебраниб турган баркадан саёҳатчиларни жалб этиш мақсадида тили чучук болакай қулоқни қоматга келтириб бетиним қичқирарди. Сан-францисколик жаноб ўзини қандай ҳис қилишни лозим бўлса шундай ҳис қилганча, яъни кексаллигини бўйнига олиб — қайғу-надомат ва алам билан мана шу барча очкўз, оғзинларидан саримсоқ ҳиди анқиб турган, итальян деб аталадиган одамчалар ҳақида ўйларди; бир марта эса бекатда кўзини очиб, дивандан хиёл кўтарилиб қараган эди, қояли ёнбағирда жойлашган бир тўп шундай аянчли, моғор босган, нақ сувга туташган, бир-бирига мингашиб кетган тош уйчаларни, уларнинг ённдаги қайиқлар, қандайдир латта-лутталар, тунука парчалари ва жигарранг тўрларни кўрди. Шунда у роҳатланмоқчи бўлган жой — ҳақиқий Италия ана шу эканини эслаб дилни умидсизлик қамраб олди... Ниҳоят, ёнра-ширада қопқорайиб этаклари худди қизил чироқлар-ла пармалангандай, орол яқинлаша бошлади, шамол ҳам юмшаб, пилиқроқ, хушбўй бўлиб қолди, тинчлана бошлаган, худди қора ёғдек товланиб турган тўлқинлар узра пристань фонарларининг ёрқин шуълалари зарҳал илонлардай биланглай кетди... Кейин бирдан шарақ-шуруқ қилиб лангар туширилди, ҳаммаёқни қайиқчиларнинг бири-бирини босиб тушган қатъиятли бақирлиқлари тутиб кетди — шу ондаёқ руҳлари енгиллашиб, кают-компания ҳам янада ёрқинлашиб кетгандай туюлди ва кўнгил овқат тусаб, чеккилари, ичгилари, уёқ-буёққа юргилари келиб қолди... Уш минутдан сўнг сан-францисколик оила катта баркага ўтди, яна ўн беш минутдан кейин эса қирғоқ тошларига қадам қўйди, ундан кейин ёп-ёруғ вагончага ўтириб, қияликдан: токзорларни, ярим хароба тош тўсиқлар ва нам, қинғир-қийшиқ, унда-бунда илчан бостирмалар билан беркитилган апельсинзорларни оралаб вириллаганча кўтарила бошлади,

тўқ-сарик ялтироқ мевалар ва қалин, худди жило берилгандек ялтироқ барглар вагончанинг очиқ ойналари ёнидан шигиллаганча пастга, тоғ этаги томон сирғалиб ўтиб турарди... Италияда ёмғирдан кейин замин хуш бўй таратади, шунингдек, унинг ҳар бир оролининг ўзига хос алоҳида ҳиди бор!

Капри ороли бу оқшом нам ва қоп-қоронғи эди. Лекин шу вақт у бир дақиқа жонланиб, ҳатто у ер-бу ери ёришди ҳам. Тепаликда, фуникулёр майдончасида сан-францисколик жанобни муносиб кутиб олиши лозим бўлган одамлар тўдаси турарди. Йўловчилар орасида унчалик диққатни тортмайдиганлари ҳам бор эди. Булар пала-партиш, паришонхотир, кўзойнак таққан, соқол қўйган, эскигина пальтолариининг ёқасини кўтариб олган Каприда яшайдиган бир нечта руслар ва елкаларида бўз сумка, эгниларида тиролча либос, оёқлари узун-узун, бошлари дум-думалоқ немис ўспиринлари бўлиб, уларнинг бировларнинг хизматиға муҳтожлик жойлари ҳам, ортиқча маблағлари ҳам йўқ эди. Ҳам у, ҳам бу тоифадагилардан ўзини эҳтиётлаб четга оладиган сан-францисколик жаноб дарҳол лаббайғўйларнинг диққатини тортди. Унга ва хонимларға вагончадан тушишға ёрдамлашиб юборишди ва йўл кўрсатиш мақсадида олдиларига тушиб югуриб кетишди, уни яна болакайлар ва ўзига тўқ сайёҳларнинг чамадон, сандиқчаларини бошларида кўтариб юрадиган каприлик барваста ҳаммол аёллар ўраб олишди. Тепасида намхуш шамолда электр шар тебраниб турган, опера саҳнасиға монанд мўъжазгина майдончада ёғоч бошмоқларини тарақлатиб ва худди қушлар галасидек чарх уриб айланганча болакайлар йўлга тушишди — мана шу қурама оломон орасида сан-францисколик жаноб худди саҳнадагидек қандайдир ягона уйға бирлаштирилган ўрта асрга оид пештоқлар томон йўналди, олдинда ярқираб кўринаётган меҳмонхонанинг ҳашаматли эшинги томон олиб борадиган сершовқин тор кўчанинг чап томонида-

ги текис томлар узра пальмалар қанот қоқаётгандек, олдида, қоп-қора осмон қаърида эса митти юлдузчалар милтиллар эди. Бу дабдабаю асьаса сан-францисколик меҳмонлар ташрифи шарофати ила бўлаётгандай, Ўрта денгизнинг қоядор қирғоғига жойлашган бадқовоқ, тош шаҳарчага жон битгандай, меҳмонхона соҳибини фақат уларгина бахтиёру хушвақт этишгандай, улар остона ҳатлаб ўтганлари заҳотиёқ меҳмонхона аҳлини овқатга чорлай бошлаган хитойча бонг ҳам фақат уларни кутиб тургандай туюлди.

Мулозамат ва хуштавозелик билан кутиб олган, жуда башанг кийинган, меҳмонхонанинг ёшгина соҳибни сан-францисколик жанобни бир лаҳзага ҳайратга солди: у бир қарашдаёқ бугун кечаси уйқусини ҳаром қилган чалкаш-чулкаш тушлар орасида айнан мана шу жентльменни кўрганлигини хотирлади. У худди шундай визитка кийган, сочи ҳам сип-силлиқ таралган эди. Ҳайратланганидан, у ҳатто тўхтаб қолай деди. Бироқ қалбида зигирчаям инс-жинсларга эътиқод йўқлигидан ўзинча бемаъни туюлган тушини ҳам шу заҳотиёқ эсидан чиқарди: фақат меҳмонхона йўлагидан ўтиб бора туриб хотини билан қизига туши билан воқеликнинг ғайритабийй ўхшашлигини ҳазил тариқасида айтиб берди. Қизи нечукдир шу заҳотиёқ отасига хавотир-ла қараб қўйди: бирдан унинг юраги ғаш тортиб, мана шу етти ёт бегона, қоп-қоронғи оролдаги даҳшатли ёлғизлик ҳисси қамраб олди...

Каприда меҳмон бўлиб турган олимақом зот — Рейс XVII яқиндагина жўнаб кетганди. Шу боис сан-францисколик меҳмонларнинг омади келиб уларга айнан ўша хоналарни беришди. Уларга корсет таққанидан бели нозик тортган, аммо-лекин бақувват, худди жажжи тожсимон, оҳорланган чепчик кийиб олган энг чиройли ва чаққон бельгиялик ходима билан малайлардан энг норғули, кўмирдай қоп-қора, чақноқ кўзли сицилияликни, кейин энг уддабурон эшик оғаси — пак-

пакана ва семиз — ўз ҳаётида бундай зотларнинг сонингтасига хизмат қилиб улгурган Луижиини бириктириб қўйишди. Чамаси, бир дақиқалардан кейин сан-францисколик жанобнинг эшигини француз метрдотель оҳишта тикиллатди, у жаноблар овқатланншадими-йўқми, деб билгани келган ва мабодо ижобий жавоб бўлган тақдирда — дарвоқе, бунга шак келтирмаса ҳам бўлади, — бугун лангуст — денгиз қисқичбақаси, мол гўшtidан қовурма, сарсабил, қирговул ва ҳоказолар борлигини маълум қилмоқчи эди. Сан-францисколик жанобнинг ҳалиям боши айланмоқда эди — алмисоқдан қолган итальян кемачаси уни шу даражада беҳузур қилганди — лекин шунга қарамай, у, метрдотель кириб келганида очилиб кетиб, олисдаги ошхонанинг ҳиди ва богдаги ҳўл гулларнинг ифорли нси кира бошлаган ойнани, гарчи ўрганмаганидан қовушимензлик ҳамда беўхшовлик нла бўлса-да, ҳар қалай ўз қўли билан, шошилмай беркитиб, бамайлихотир, дона-дона қилиб, албатта овқатланажакларини, улар учун стол иложи борича эшикдан нарироққа, яъни залнинг ичкарасига қўйилишини, маҳаллий вино ичажакларини бирма-бир айтиб турди, унинг ҳар бир сўзини метрдотель турли хил оҳангда, лекин фақат сан-францисколик жанобнинг хоҳиш-истакларининг тўғрилигига ҳеч қандай шакшубҳа бўлиши мумкин эмас, бўлмайди ҳам, ва ниҳоят ҳаммаси жаноб истагандан ҳам аъло даражада бажо келтирилади деган маънода маъқуллаб турарди. Энг охирида у бошини эгди-да, мазаммат билан:

— Бўлдими, сэр?— деб сўради.

Жавобига сусткаш «yes»¹ жавобини олгач, бугун вестибюлда тарантелла бўлишлигини — бутун Италияга ҳамда бутун дунё сайёҳларига маълум ва машҳур Кармелла билан Жузеппе рақс тушишларини ҳам қўшиб қўйди.

¹ Ҳа! (Ингл.)

— Мен уни откриткада кўргандим,— деди сан-францисколик жаноб ҳеч қандай маъно аниқлатмайдиган товушда. — Анави Жузеппе унинг эрими?

— Амакиваччаси, сэр,— деб жавоб қилди метрдо-
тель.

Кейин сан-францисколик жаноб сусткашлик билан ниманидир ҳаслига борди-ю, лекин ҳеч нарса демай, бошини иргаб унга жавоб бериб юборди.

Шундан сўнг у, худди ниқоҳ маросимида тайёрлана-
ётгандай, кийинишга тутунди: ҳамма чироқларни ёқиб,
барча ойналарни, шунингдек, мебель ва очиқ сандиқ-
ларни нуру шуъла аксига тўлдирди, сўнг соқолни ку-
заб, ювинди ва дақиқа сайин қўнғироқ қила бошлади,
айни чоғда унинг қўнғироғини бўлиб хотини билан қи-
зининг хонасидан ҳам шошқич қўнғироқ овозлари эшик-
тиларди. Қизил нешбанд тутиб олган Лунжи аксари ба-
қалоқларга хос чаққонлик билан, кошникор пақир кў-
тарганча уёқдан-буёққа пилдираб ўтиб турган оқсоч-
ларнинг ичакларини узгудек қилиб афтини бужмайтир-
ганча, нақ ўмбалоқ ошгудай бўлиб қўнғироққа югуради
ва эшикни тикиллатиб, телбамамо эҳтиром даражаси-
даги ясама тортиноқлик билан:

— На sonato, signore?¹ — деб сўрарди.

Эшик ортидан бамайлихотир ва гижилдоқ, ниҳоят-
да беозор мулоим овоз эшитиларди:

— Yes, come in...²

Сан-францисколик жаноб унинг учун гоятда шоди-
ёна бўлмиш ушбу оқшомда нимани ҳис қилиб, нима
ҳақда ўйлаётганди? Ҳар бир денгиз чайқалишини бо-
шидан ўтказган одам каби унинг жудаям қорини очган-
ди, шунинг учун биринчисида тортиладиган шўрва, ша-
роб ҳақида завқ-шавқ билан орзу қилар экан, одатий
пардоз-андозини ҳатто пича кўтаринки руҳда адо этар-

¹ Қўнғироқ қилганмидингиз, синьор? (Итал.).

² Ҳа, кириг... (Ингл.).

дики, бу албатта ортиқча ҳис-ҳаяжон ҳамда ўй-фикрларга вақт қолдирмасди.

Соқол-мўйловини тарашлаб, ювиниб, бир нечта ясама тишларини қойилмақом қилиб қўйиб, ойна олдида турганча, қора-сарик боши атрофига инжудек терилган сочларини ҳўллади-да, кумуш гардишли чўтка билан тартибга солди, сўнг ҳали мустаҳкам, лекин кексайган танасига, кучли овқатлар таъсирида тўлиша бошлаган танасига оч-сарик шойи трико, ясси кафтли, қоқ оёғига қора ипак пайпоқ ва бал туфлисини кийди-да, чўнқайиб, елкаси оша тақилган ипак тасма юқорига кўтариб юборган қора шимини ва кўкраги қаппайиб турган опноқ кўйлагини тузатиб, ялтироқ манжетига илма тугмасини ўтказди-да, қаттиқ ёқаси остидаги бўйин тугмасини қадолмай қийнала бошладн. Оёғи остида ер ҳали-ҳануз тебраниб турар, бармоқ учлари безилларди, баъзида илма тугма кекирдаги остидаги буришган терини қаттиқ «тишлаб» оларди, лекин у собитлик кўрсатиб ва ниҳоят, зўриқишдан кўзлари ялтираб, ҳаддан зиёд тор ёқа қаттиқ қисганидан кўкариб кетса-да, мақсадига эришди ва ҳолдан тойганча, тошойнада бор-бўйинча акс этиб, ўтириб қолди.

— О, бу даҳшат!— дея мингиллади у, тспакал бошини солинтирганча, айнан нима даҳшатлилигини тушунишни хоҳламай ва бу ҳақда ўйламасликка тиришиб; кейин одатдагича ва камоли диққат билан ўзининг калта, бармоқ бўғимлари ҳалқа-ҳалқа бўртмали қўлини, йирик ва қабарик, бодом рангли тирноқларини кўздан кечирди-да, қатъий ишонч билан такрорлади:

— Бу даҳшат...

Лекин шу вақт, худди маъжусий ибодатхонасидагидек, бутун уйни бошига кўтариб иккинчи бонг қаттиқ жаранглади. Сан-францисколик жаноб шоша-пиша ўрпидан туриб, ёқасини галстук билан янада қисиб, қоринини эса олди очик жилет билан таранг тортиб, смокингини кийди, манжетларини тўғрилаб, яна бир бор ойнада

ўзини кўздан ўтказди... Анави қорачадан келган, ясама ноз-карашма нигоҳли, мулаткаларга ўхшаган, тўқ-сариқ ранг устунлик қилувчи гулдор либос кийган Қармелла, афтидан, ажойиб рақс тушса керак, деб ўйлади у. Ўз хонасидан чиқиб, гилам узра енгил одимлаганча қўшни, хотинининг хонасига яқинлашиб, баланд овозда, бўлиб қолдингларми, деб сўради.

— Беш дақиқадан кейин!— жарангдор ва бирмунча қувноқ овозда жавоб қайтарди эшик ортидан қизи.

— Жуда соз,— дедн сан-францисколик жаноб.

У бамайлихотир чўғдай гиламлар тўшалган йўлак ва пиллапоялардан пастга, қироатхонани қидириб тушиб борарди. Унга дуч келиб қолган хизматкорлар қўрқа-писа ўзларини девор тагига олишарди, у бўлса ҳеч кимни пайқамаяндай ўтиб кетарди. Овқатга кеч қолган, хиёл букчайган, сочлари сутдай оқарган, лекин шунга қарамай кўкрагигача очиқ, оч-кулранг шойи кўйлак кийган кампиршо ундан олдида бор кучи билан шошқалоқланиб, лекин кулгили тарзда бедана юриш қилиб йўргалаб борарди, бизнинг жаноб осонгина қувиб ўтди уни. Ҳамма йлгилиб, тановулни бошлаган емакхонанинг ойнаванд эшиги олдидаги снгара қутилари ҳамда миср папирослари уйиб ташланган стол олдида тўхтади-да, каттакон манилла олиб, столга уч лира ташлади; қишқи ровонда бораётиб йўл-йўлакай очиқ деразага қаради, қоронғиликдан юзига ёқимли шамол урилди, япроқлари нақ юлдузларга қадар чўзилган, шундан жуда баҳайбат туюлаётган кўҳна пальманинг учи элас-элас кўзга ташланди, олисдаги денгизнинг бир меъёрдаги шовуллаши қулоғига чалинди...

Шинамгина, сокин ва столлар устидагина чироқлар ёниб турган қироатхонада худди Ибсенга ўхшаган, кумуш гардишли думалоқ кўзойнак таққан, қарашларида телбаликми-ей, ҳайратланишми-ей мужассам оппоқ сочли бир қари немис тик турганича газетани шитирлатарди.

Сан-францисколик жаноб уни бетакаллуф кўздан кечирди-да, бурчакдаги кўк қалпоқли чироқ ёнидаги чуқур чарм креслога ўтирди, пенсенесини тақиб, томоғини, бўғаётган ёқасини бўшатмоқчи бўлгандай бошини бир силкиб қўйди-да, газета варагини баланд кўтарганди, афти кўринмай қолди. У баъзи бир мақолаларнинг сарлавҳасига тез кўз югуртириб чиқди, кейин ҳеч қачон тўхтамайдиغان Болқон уруши ҳақида бир неча сатр ўқиди-да, одатича газетани орқасини ўгирди, — шунда бирдан сатрлар кўз олдида ойнадай ялтираб, чаплашиб, бўйин томирлари таранглашиб, кўзи бақрайиб, бурни устига қўндирилган пенсеси учиб кетди... У олдинга санчиди, ҳаво ютмоқчи бўлди-ю, даҳшат-ла хириллади холос; пастки жағи оғзидаги ҳамма олтин қопламаларини кўз-кўз қилганча осилиб қолди, боши елкасига тушиб силкина бошлади, кўйлагини кўкрагида кажавадай дўпнайди ва бутун аъзойи бадани тўлғаниб, товони билан гиламни суриб-сидирганча, ким биландир жон аччиғида ёқалашаётгандек ерда юмалай бошлади.

Агар қироатхонада немис чол бўлмаганда мазкур даҳшатли ҳодисани тезкорлик ва усталик билан бостибости қилиб юборишган, хилват эшик орқали кўз очиб-юмгунча сан-францисколик жанобини оёғи билан бошидан кўтариб нарроққа гумдон қилишган ва меҳмонларнинг бирортасиям нима воқеа бўлганидан беҳабар қолган бўларди-я. Лекин немис чол қироатхонадан жон аччиғида бақирганча югуриб чиқиб, бутун уйу емакхонани остин-устин қилиб юборди. Қўплар овқат еб турган жойларидан сакраб туришар, бошқалари ранглари докадай оқарганча қироатхона томон чопишарди, турли тилларда: «Нима, нима бўлди?»— деган савол такрорлар, лекин ҳеч ким очик-ёруғ бир нарса дея олмас, ҳеч ким ҳеч вақога тушунмасди, чунки одамлар ҳали-ҳанузгача ҳам, ҳаммадан кўп ажабланишлари устига, ўлимга ҳечам ишонгилари келмасди-да. Соҳиб чонаётганларни тўхтатиш мақсадида жонини жабборга бериб дам у,

дам бу меҳмон олдига югурар, уларни шоша-пиша бу шунчаки арзимас нарса эканлигини, қандайдир сан-францисколик жаноб ҳушдан кетиб қолганлигини айтиб тиңчитмоқчи бўларди... Лекин ҳеч ким унга қулоқ солмасди, кўнлар хизматкор ва эшик оғалар апави жапоннинг эғнидаи галстук, жилет, гнжимланган смокинг ва ҳатто негадир ясси кафтли, қора инак пайпоқли оёғидаи бал туфлисини ечишаётганини кўриб туришарди. У ҳали ҳам ўлим билан олишаётганди. У бундай бевақт ва бемаврид бостириб келган ўлим билан қатъиятла олишар, ҳечам унга бўйсунгани келмасди. У бошини чайқатар, худди бўғизлангандай хирплар ва худди маст одамдай кўзини олайтирарди. Уни шоша-пиша настки коридорнинг охиридаги энг кичкина, энг ёмон, энг зах ва совуқ қирқ учинчи хонага олиб кириб, каравотга ётқизганларида сочлари ёйилган, корсет билан кўтарилган, кўкраги очиқ кўйлак кийган қиз, кейин овқатланиш учун ясашиб олган хотини чопиб келишди, хотинининг оғзи даҳшатдан юм-юмалоқ бўлиб кетганди... Лекин бу вақтда у бошини қимирлатишни ҳам тўхтатган эди.

Чорак соатдан кейин меҳмонхонадагилар зўр-базўр тинчландилар. Лекин шундай ажойиб кеча расво бўлганди. Баъзи меҳмонлар емакхонага қайтиб келиб, ранжиган қиёфада, миқ этмай овқатланардилар, бечора соҳиб эса гоҳ у, гоҳ бунисиининг олдига келиб, ожизона ва бениҳоя хушахлоқлигу асабийлик билан елкасини қисар, ўзини айбсиз айбдор ҳисоблаганча ҳамманинг кўнглини овлашга уринар, бу «қанчалик хижолатли» иш бўлганлигини уқтириб, бу кўнгилхирраликни барта-раф қилиш учун қўлидан келган чора-тадбирларни кўражагини таъкидларди; тарантеллани бекор қилишга тўғри келди, ортиқча чироқларни ўчиришди, меҳмонларнинг кўпчилиги шаҳарга, пиво ичишга кетишди, натижада ҳаммаёққа сокинлик чўкди, ҳатто меҳмонхона кираверишидаги соатнинг чиқиллаши ҳам яққол эшитила

бошлади. У ерда фақат тўтигина ўзининг қафасида уйқу олтидан ғивирсиб, панжаси билан юқоридаги чўпга осилган кўйи беўхшов жойлашишга уринганча ғалати қилиб ғўлдирадди... Сан-францисколик жаноб арзон темир каравотда, дағал жун адёл тагида ётар, шифтнинг тақинасида биттагина чироқ хира ёниб турарди. Муз солинган грелка унинг ҳўл ва совуқ пешанасида дўмпайиб турарди. Кўм-кўк, жонсиз юзи аста-секин совимоқда, унинг очиқ, олтин яллиғида ёришиб турган оғзидан чиқаётган хирилдоқ ғарғара ҳам пасаймоқда эди. Сан-францисколик жаноб эмас,— у энди йўқ эди,— кимдир бошқа одам хирилламоқда эди. Хотини, қизи, доктор, хизматкор тик турганча ундан кўзларини узмасдилар. Бирдан, боятдан бери қўрқув аралаш юрак ҳовучлаб кутганлари бажо бўлди — хириллаш тўхтади. Ва шу ерда турганларнинг кўз олдида аста-секинлик билан марҳумнинг юзидаги сўниқлик ёйилиб, тарҳи нозиклашиб, ёриша бошлади...

Соҳиб кирди. „Gia è morto“¹, — деди унга шивирлаб доктор. Соҳиб эҳтироссиз тарзда елкасини қисди. Кўзёши ёноғидан бетўхтов оқаётган миссис унга яқинлашди-да, қўрқа-писа, энди марҳумни ўз хонасига олиб чиқилса бўларди, деди.

— Эй, йўқ, хоним,— шошқич, боадаб, лекин ҳеч бир илтифотсиз, боз устига инглизчалаб эмас, французчалаб эътироз билдирди соҳиб, бинобарин, эндиликда уни Сан-Францискодан келган меҳмонлардан тушадиган арзимас сармоя қониқтирмасди.— Бу бутунлай мумкин эмас, хоним,— деди ва ушбу ҳашамдор хоналарни жудаям эъзозлашини алоҳида уқтириб қўшиб қўйди: агар хонимнинг истагини бажо келтиргудек бўлса, унда бутун Каприга бу ҳақда маълум бўлади ва сайёҳлар ўзларини четга торта бошлайдилар.

Боятдан бери унга ғалати қараб турган мисс, стул-

¹ Бандаликини бажо келтирди (ингл.).

га ўтирди-да, оғзига даструмолчасини босганча ҳўнграб юборди. Миссиснинг эса кўёши дарҳол қуриди-ю, ёноғи ловиллаб кетди. У овозини баландлатиб, ўз тилида гапирганча ва ҳали-ҳозирча уларга бўлган ҳурмат-эҳтиром бутунлай йўқолганлигига ишонмаган ҳолда талаб қила бошлади. Соҳиб аёлнинг иззат-нафсига тегмайдиган қилиб оғзига урди: агар хонимга меҳмонхонанинг қонун-қоидалари ёқмаса, тўрт томони қибла, шунингдек, марҳумнинг жасади эрталаб азонда олиб кетилиши лозим, деб қатъий маълум қилди, полиция хабардор қилинган, мана ҳозир унинг вакили келиб, керакли расм-русмларни бажаради... Каприда ҳеч бўлма-са оддий тобут топса бўладими, деб сўраяптиларми хоним? Бахтга қарши, йўқ, ҳечам иложи йўқ, яшашга эса ҳеч ким ҳам улгурмайди. Бирон-бир бошқа йўлини топишга тўғри келади... Масалан, содали инглиз сувини у катта ва узун яшикларда олади... унинг ичидаги пардадеворларини олиб ташласа бинойидек яшик бўлади...

Кечаси меҳмонхона уйқуга чўмди. Қирқ учинчи хонанинг ойналарини очишди — у теграсига синиқ ойна қадалган баланд тош девор тагида нимжон банан дарахти ўсган боғ бурчагига қараганди,— чироқни ўчириб, эшикни қулфлаб кетишди. Марҳум қоронги хонада қолди: осмони фалакда кўм-кўк юлдузлар чарақлар, тош девордаги қора чигиртка бепарволик билан ҳазин чирилларди... Хира ёритилган йўлакдаги дераза тоқчасида ўтирган иккита оқсоч ниманидир ямашмоқда эди. Туфли кийган Луижи қўлида бир қучоқ кўйлак кўтариб кирди.

— Pronto?¹— ташвиш-ла сўради у эшитиладиган қилиб пичирлаб, кўзи билан йўлак охиридаги даҳшатли эшикка ишора қилиб. Кейин бўш қўлини ўша томонга қараб сал силкиб қўйди.— Partenza!²— дея шивирлади у овозини бир парда кўтариб, худди поездни кузатаёт-

¹ Тайёрми?

² Жўнаш мумкин!

гандай, одатда Италия бекатларида поезд жўнатилаётганда шундай деб бақириларди,— оқсочлар унсиз куламан деб нафаслари бўғзиларига тиқилганча бошлари бири-бирларининг елкаларига қўйдилар.

Кейин Луижи пилдираганча нақ эшикнинг олдида борди-да, оҳиста чертди ва бошини бир ёнига қийшайтириб, пичирлаб, ғоят эҳтиром-ла:

— На sonato, signore? — деб сўради.

Кейин бўйинини сиқиб, пастки энгаҳини олдинга чўзиб, чийилдоқ овозда, оҳиста ва ғамгин тарзда ўзига ўзн, худди эшик ортидан гапиргандай жавоб берди:

— Yes, come in...

Тонготарда, қирқ учинчи номер ойналари ортида кун бўзариб, нам шамол бананнинг йиртиқ барглари шитирлата бошлаган, зангори тонгги само Капри ороли узра баландлаб, кенгайиб бораётган, Италиянинг олисдаги кўм-кўк тоглари ортидан чиқаётган қуёшни қаршилаётган шаффоф Монте-Соляро чўққиси олтин мисол ярқираб кетган, оролдаги сайёҳлар юргувчи сўқмоқларни тузатувчи тош ётқизувчилар ишга йўналган паллада — қирқ учинчи хонага содали сувдан бўшаган узун яшикни олиб киришди. Тез орада у жудаям оғирлашиб, кичик портьеннинг тиззасини қаттиқ эза бошлади. У битта дарчали извошда Капрининг ёнбағрига туташган илон изи тошқўчадан, тош тўсиқ ва токзорларни орачаб пастга, денгиз бўйига томон жадаллаб борарди. Қалта энгли эски камзул ва абжағи чиққан бошмоқ кийиб олган извошчи ўлгундек арақхўр бўлиб, тунни билан тратторияда ошиқ ўйнаган шекилли, ҳозир ҳам карахт ҳолда кўзлари қип-қизариб турарди. У сицилиячасига безатилган бақувват отини қамчиларди. Отнинг юганига ва баланд қилиб ясалган учли мис эгарига осилган турлитуман гулдор жун шокилалар қўнғироқчалар жиигиллар, текис қирқилган ёли орасидан чиқиб турган тахминан бир газча келадиган қуш пати юрганда тинмай силкинарди. Извошчи ўзининг саёқлиги, бузуқ-

чилигидан ўқинар, кечаси охириги тийинигача ютқазиб қўйганлиги алам қилиб миқ этмасди. Лекин денгиз нафаси-ла йўғрилган тонгги соф ҳаво таъсирида кайфи тезда тарқаб, ўзининг аввалги беғам-беташвиш қиёфасига қайтганди, боз устига қандайдир сан-францисколик жанобнинг қўққис ўлими шарофати билан чойчақа ишлаш имконияти ҳам извошчининг жониға оро кпрганди. Неаполь қўлтиғида майин ва ёрқин, кўм-кўк сув сатҳида худди қўнғиздай тебраниб турган кемача сўнгги гудогини бермоқда эди. Унинг овози бутун орол бўйлаб акс-садо берарди. Оролдаги ҳар бир муюлиш, ҳар бир тоғ чўққиси, ҳар бир тош худди ҳавоси сўриб олинган шар ичидагидек яққол кўриниб турарди. Пристань ёнида кичик портъени кўз ёшию уйқусиз кеча таъсирида кўзлари ич-ичига тушиб, ранги оппоқ оқариб кетган миссис билан қизини машинада учириб олиб келган катта портъе қувиб етди. Ун дақиқадан кейин сан-францисколик опла тушган кемача сувни шалоплатиб Капридан яна Сорренто, Кастелламар томон сузиб кетди. Орол узра яна тишчилик ва осойишталик қарор топди.

Мазкур оролда икки минг йил аввал ўз шахвоний нафсини қондиринида бениҳоя разил ва неғадир миллионлаб одамлар устидан ҳокимлик қилиш ҳуқуқига эга, уларни ҳаддан зиёд шафқатсизлик билан таҳқирлаган одам истиқомат қилганди. Инсоният уни бутун умрга ёнида сақлаб қолганди, дунёнинг ҳар бир бурчагидан жуда кўплаб сайёҳлар у яшаган оролнинг энг тик қоясига жойлашган тош уйини кўрганни келишарди. Каприга худди шу мақсадда келганлар ҳали меҳмонхоналарда ухлаб ётган маи шу ажойиб тонгда меҳмонхона эшикларига мўъжазгина, қизил эгар урилган кўк эшакларни етаклаб келишарди. Ёшу қари амернкалик ва немис аёлу эркак сайёҳлар уйқудан туриб, овқатланиб олишгач, уларга миннишиб, тошлоқ сўқмоқлардан нақ Монте-Тиберио чўққисига чиқишади, уларнинг

орқасидан эса чайир қўллариға ёғоч ушлаб олган кап-
рилиқ қашшоқ кампирлар эшакларни ҳайдаш учун
лўкиллаб боришади. Улар билан боришга отланган, ле-
кин қисматнинг хоинлиги орқасида фақат ўлим ҳақида
эслатиб юракларини орзиқтирган сан-францисколик
марҳум чолни Неаполга жўнатиб юборганликларидан
хотиржам тортган сайёҳлар ширин уйқуга чўмгандилар,
оролда осойишталик ҳукм суларди, шаҳар магазинлари
ҳам ҳали очилмаганди. Фақат мўъжазгина майдонча-
даги бозордагина савдо-сотиқ авжида эди — бу ерда
оддий қора халқ балиқ ва кўкатлар билан савдо қили-
шарди. Уларнинг орасида ҳар доимгидай ҳеч бир мақ-
садсиз баланд бўйли, бепарво, маишатпараст ва бутун
Италияга донғи кетган бениҳоя чиройли — кўпгина рас-
сомларга бир неча бор моделлик ҳам қилганди — Ло-
ренцо исмли қайиқчи чол санқиб юарди. У кечаси
тутиб олган иккита қисқичбақани деярли сув текинга
сан-фрапписколик оила тунагап меҳмонхонанинг ошпа-
зига сотиб, эндиликда нақ кечгача, тсварак-атрофига
шоҳона нигоҳла назар ташлаб, ўзининг жулдур энгил-
бошини кўз-кўз қилиб, сопол трубкасини тишлаб, қизил
жун беретини чаккасига дол кийганча хотиржамгина
туриши мумкин эди. Монте-Соляро ўр-жарларидан, қоя-
дан кесиб қурилган қадимги Финикия йўлидан, унинг
тош поғоналаридан ошиб Анакапридан иккита абруцц-
лик тоғлиқ тушиб келаётганди. Улардан бирининг чарм
плашининг остида қўшнай — иккита сурнайли, эчки
терисидан қилинган каттагина дам, бошқасида эса ёғоч
сивизғачага ўхшаш бир нарса бор эди. Шод-хуррам,
гўзалликда беқиёс, қуёшдан нур эмган бутун бир мам-
лакат кўз ўнгларида намоён бўлди: деярли оёқлари
остида ётган оролнинг тош ўрқақлари, орол чарх ура-
ётган афсонавий шаффофлик, шарққа қараб денгиз
узра сузаётган тонгги ярқироқ буғ, юқорига кўтарилган
сари тобора қизитаётган ёрқин қуёш нурида оч-зангори,
худди тонгги шабнамдек беқарор Италия массивлари,

унинг яқин ва узоқ тоғларининг гўзаллигини сўз билан ифода этишга тил ожиз...

Ярим йўлга келганда улар қадамларини секинлаштиди: йўл тепасида, Монте-Соляронинг қоядор девори бағридаги ўнғурда қуёш ила йўғрилиб, унинг бутун илиқ нурларига чўмиб, қорсимон ганчдан либос кийган, бошига ёмғиру қорлардан занг тушгандек, олтинранг тож қўндирган мунис ва илтифотли, нигоҳи кўкка — унинг бузруквор ўгли руҳи поки мангу мақом топган юксакликка тикилганча она Илоҳа турар эди.

Улар бошларини яланғочладилар, ўз нағмаларини лабларига босдилар, шу ондаёқ қуёш, субҳи сабо, мазкур ёвуз ва шу билан бирга гўзал дунёдаги барча жафокашларнинг покдомон ҳомийси бўлмиш Илоҳа ва унинг олнс Яҳудий заминининг қашшоқ чўпон мазгилида, Вифлсем горида дунёга келган фарзанди шаънига содда ва ожизона қувноқ мадҳи сано янграй кетди...

Марҳум сан-францисколик чолининг жасади уйига, сўнгги масканига, Янги Дунё соҳиллари томон қайтмоқда эди. Кўпгина хўрликларни, кўпгина инсоний ҳурматсизлигу илтифотсизликларни бошидан ўтказиб, бир ҳафта давомида бир порт омборхонасидан бошқасига сарсон-саргардон бўлиб, ниҳоят яна ўша маълуму машҳур, яқиндагина Кўҳна Дунёга иззат-икром ила олиб келган кемадан маскан топди. Лекин эндиликда уни тириклар кўзидан йироққа, кеманинг энг пастки қисмига, қоп-қоронғи трюмга мумланган тобутда яшириб қўйишди. Кема яна ўзининг олнс денгиз сафарига отланди. Кечаси у Капри ороли ёнидан сузиб ўтди, оролдан қараган одамга унинг қора денгиз қаърига оҳиста сингиб кетаётган чироқлари жуда ғамгин туюлмиш мумкин эди. Лекин у ерда, яъни кемадаги ёп-ёруғ, ҳашаматли қандиллар-ла чарогон залларда, одатдагидек, бу кеча ҳам шўх-шодон бал бўлаётганди.

У эртасига ҳам, индинига ҳам давом этди — яна қутурган бўрон нчра, худди жаноза ўқиляётгандек гу-

виллаётган ва кумушранг кўпик ўрқачлари орқасида мотамсаро кўрпнаётган океан аро сузиб борарди. Кеманинг беҳисоб оловли кўзлари қор орасидан Гибралтар қояси — икки дунёнинг тош дарвозасида туриб, бўрон ва тун қўйнига сингиб кетаётган кемани кузатаётган Иблисга зўр-базўр кўринарди. Иблис худди қоятошдек баҳайбатэди, лекин кема ҳам баҳайбатликда ундан қолишмасди — у кўҳна юракли, мағрур Янги Одам томонидан яратилган кўп қаватли, кўп мўрили эди-да.

Бўрон унинг арқонларига ва қордай оппоқ оқариб қолган йўғон мўриларига уриларди-ю, бироқ бир иш чиқаролмасди, чунки у пишиқ-пухта, мустаҳкам, шунингдек, улуғвор ва даҳшатли эди. Унинг энг юқсридаги томида, қор бўрони ичра, шинам, хира ёритилган бўлма якка-ёлғиз юксалиб турарди, у ерда кеманинг зийрак ва ташвишли мудроққа чўмганча, маъжусийлар маъбудига ўхшаган вазмин бошқарувчиси савлат тўкиб ўтирарди. У бўрон тазйиқида сиренанинг оғир увиллашини ва қаҳрли чинқиришини эшитарди-ю, лекин ўзига ҳам номаълум нарсанинг яқинлиги билан ўзини ўзи юпатарди: анави, худди зирҳланганга ўхшаш каюта сирли говур-гувур, дириллаш ва бошига яримгардиш металл кийиб олган ранглар телеграфчи атрофида бирдан ёниб, чатнаб кетаётган кўк чироқларнинг қарс-қурси билан тўлганди, ана шу зирҳ девор ортида нимадир бордай эди. «Атлантида»нинг энг пастида минг пудлик улкан қозоилар ва бошқа турли-туман машиналарнинг пўлати хира ялтирар, буғ бўғиқ хириллаб, иссиқ сув ҳамда мой томчиларди, бинобарин, худди шу, яъни дўзахмисол ўтхонада кемани ҳаракатлантирувчи куч бунёд этиларди,— даҳшатли куч касб этадиган ҳаракат қайнаб-тошганча кеманинг килига, ундан узундан-узоқ ертўлага, электр чироқ билан хира ёритилган, оҳиста, инсон қалбини эзиб-янчувчи қатъият билан ўзининг мойли ўзанида айланаётган баҳайбат вал жонли махлуқдай узала тушиб ётган думалоқ туннелга узатилар-

ди. «Атлантида»нинг ўртасига жойлашган емакхона ва бал заллари нур ва қувонч ёгдусида ярақлар, ясан-тусан оломоннинг шовур-шувуридан гувиллар, янги узилгап гуллар хушбўй ис таратар, торли чолғу оркестри эса тинмай куй чаларди. Яна мазкур оломон ичра, чи-роқлар, шойилар, бриллиантлару аёлларнинг яланғоч елкалари аро нозик ниҳол ва гўзал ёлланма севишган жуфт изтироб-ла эшилиб, баъзида эса талваса-ла тўқнашиб қолишарди; шарм-ҳаёли, кўзлари ер сузган, сочи маъсумона турмакланган бокира қиз билан худди ёпиштириб қўйилганга ўхшаш қоп-қора сочли, рангпар юзига упа суртилган, ниҳоятда бежирим локланган туфли, ихчам, орқа этаги узун қилиб тикилган фрак кийган қадди-қомати келишган, баланд бўйли, кўркем йигит, у каттакон зулукка ўхшарди. Фараҳбахш, севги нашидасини уятсиз-ғамгин куй садолари остида кўз-кўз қилиш бу севишган жуфтнинг қанчалик жонига текканини, шунингдек, ўзларининг оёқлари остида, қоп-қоронғи трюмининг энг тагида, зулмат, океан, бўронни машаққат билан енгиб бораётган кемаининг зимистон ва иссиқ тағхонасида тобут ётганини ҳеч қайсилари билмасди...

Васильевск Х. 1915

МУНДАРИЖА

Антоновка олмалари. О. Ҳусанов таржимаси	3
Сўнги учрашув. О. Ҳусанов таржимаси	24
Қарға. О. Ҳусанов таржимаси	31
Сан-францисколик жаноб. Ҳ. Маҳмудова тар- жимаси	43



На узбекском языке

И. А. Бунин

ГОСПОДИН ИЗ САН-ФРАНЦИСКО

Рассказы

Перевод с издания ГИХЛ, Москва, 1955.

Редактор Э. Миробидов

Рассом Вл. Валиев

Расмлар редактори Э. Валиев

Техн. редактор Г. Аҳмаджонова

Корректор М. Ортиқова

ИБ № 635.

Босмахонага берилди 13.06.80 й. Босишга рухсат
этилди 12.09.1980 й. Формати $70 \times 108\frac{1}{32}$. 1-босма
қозоғга «Литературная» гарнитурда юқори бос-
ма усулида босилди. Босма листи 2,25. Шартли
босма листи 3,15. Нашр листи 3,065. Тиражи 30000.

Буюртма № 3574. Шартнома № 183—79.

Баҳоси 25 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвар-
дия» нашриёти, Тошкент, 700129, Навоий
кўчаси, 30.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси.
Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26.